



ТУРКИЯНИНГ КОНЬЯ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН БЕШИНЧИ ИСЛОМ БИРДАМЛИГИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Қадри спортчи ва мураббийлар!
Муҳтарам юрдошлар!
Аввало, сиз, азизларимиз, сизларнинг тимсолинга бутун халқимизни Туркия Республикасининг Конья шаҳрида ўтказилган бешинчи Ислам бирдамлиги ўйинларида муносиб иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритганингиз билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Жонжон Ватанимизда миллий мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллик шонли санасига бағишлаб катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётган ушбу шукўхли дамларда сизларнинг кескин курашларда кечган беллашувларда эришган ютуқларингиз эл-юртимиз учун муносиб байрам совғаси бўлди.

Хар тўрт йилда бир марта ўтказилган мазкур нуфузли спорт анжуманида юрдошларимиз сизларнинг ҳар бир чиқишингизни оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди. Бутун Ўзбекистон сизларни қўллаб-қувватлаб, Яратгандан омад ва зафарлар тилади.

Дунёнинг 56 та давлатидан 4200 нафар спортчи иштирок этган ушбу мусобақаларда миллий тармак жамоамиз аъзолари улкан маҳорат, ғайрат ва матонатни, ғалабага бўлган юксак интилиш ва иродасини намоён этиб, 51 та олтин, 42 та кумуш ва 65 та бронза медалини қўлга киритганлари ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Айниқса, Ўзбекистон вакиллари Эрон, Озарбайжон, Индонезия, Саудия Арабистони, Қозғистон, Бирлашган Араб Амириклари, Қатар, Кувейт каби спорт соҳасида ривожланган давлатларнинг орда қолдириб, умумжамоа ҳисобида Туркия Республикасининг кейин фахрли иккинчи ўринни эгаллаганлари мамлакатимиз спортчида яна бир ёрқин саҳифа бўлди.

Ўзбек спортининг ифтихори бўлган Руслан Нуриддинов, Акбар Жўраев, Сарварбек Зафаржонов, Турсуншариф Жабборова оғир атлетика, Ольга Забелинская велоспорт мусобақаларида учтадан олтин медални қўлга киритган спорт тарихида камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодисадир.

Бўлиб ўтган қизгин беллашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Улуғбек Рашидов, Адхамжон Эргашев, Сафина Садуллаева, Дияра Келдиёрова, Шарифа Давронова ва бошқа спортчиларимизнинг истеъдоди, маҳорати ва қобилиятига барча спорт мухлислари яна бир бор тан берди.

Ушбу мусобақаларда Ўзбекистон паралимпиячилари ҳам юксак жасорат ва матонат намуналарини кўрсатганларини алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, Азизбек Бойназаров, Омадбек Ҳасанов, Султонбек Нуриддинов, Бахтиёр Ортиқов, Расул Атамуратов каби спортчиларимиз ҳақиқий фидойиллик фазилатларини намоён этиб, миллий жамоамизнинг муваффақиятига муносиб хисса қўшдилар.

Азму шижоатли ўғил-қизларимиз оғир атлетика, дзюдо бўйича тенгсиз, қилчобозлик, таэквондо, спорт курашлари, сузиш мусобақаларида эса етакчилар сафида эканларини амалда исботладилар.

Қадимий Конья заминида эришилган бундай ютуқлар биз учун улкан аҳамиятга эга бўлиб, сизлар шу тарихда миллий спорт мактабимизнинг шон-шухратини, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир эканини ҳақонга намоён этдингиз.

Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг Ислам бирдамлиги ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, юксак шоҳ-сулаларни забт этганингиз мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ислохотларимизнинг яна бир амалий натижаси сифатида кўп миллатли халқимизни беҳад қувонтиради, барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар каби юртимизга меҳр ва садоқат билан яшайдиган, ватанпарвар ва салоҳиятли ёшларни тарбиялаб вояга етказгани учун ота-оналарингизга, ёнингизда туриб, эришилган ютуқларни таъминлашга муносиб хисса қўшган заҳматқаш устоз ва мураббийларингизга ўз номидан, халқимиз номидан чин дилдан ташаккур изхор этаман.

Ириқ халқаро спорт беллашуви — Ислам бирдамлиги ўйинларида қўлга киритган тарихий натижаларингиз билан сизларни яна бир бор самимий қўллаб, барчангизга сикат-саломатлик, келгуси фаолиятингизда янги-янги зафарлар, оилаларингизга бахту саодат, фойз-барака тилайман.

Доимо бахтингиз, омадингизни берсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИФТИХОР

ШУКУҲЛИ ҒАЛАБАЛАР ХАЛҚИМИЗ РУҲИНИ КЎТАРИБ, ВАТАНИМИЗ НУФУЗИНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА

Юртимиз бўйлаб энг улғу, энг азиз айём — Мустақиллик байрами шукўх кезиб юрган шу кунларда халқимиз қалбидаги гурур-ифтихор туйғулари янада юксалди. Яқинда мамлакатимиз ёшлари 44-жаҳон шахмат олимпиадасида ғолиб бўлиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтган эди. Кеча яна бир катта мусобақа — Туркиянинг Конья шаҳрида ўтказилган V Ислам бирдамлиги ўйинларида зафар қучган спортчиларимизни кутиб олдик.

▶ Давоми 4-бетда



МУСТАҚИЛЛИК ТУЙҒУСИ у Янги Ўзбекистон тараққийнинг асоси

Ҳар бир даврнинг ўз мазмуни, моҳияти бўлади. Ҳар бир даврнинг ўзига хос салмоғи, тарихдаги ўрни бўлади. Кейинги олти йил, айтиш мумкинки, Ўзбекистон, жумладан, миллий истиқлол даври тарихида ўзига хос мазмун ва моҳият билан мустақкам ўрин эгалламоқда.

Халқаро ҳамжамиятда нуфузи тобора ошиб бораётган, глобал муаммолар ва умумжаҳон масалаларини ҳал этишда энг асосли тақлифлар билан иштирок этаётган Ўзбекистон кейинги йилларда гоёта прагматик фикрлари ва ёндашувлари билан дунё давлатлари орасида алоҳида ажралиб турмоқда. Давлатлару, минтақалару муно-

сабатларда ва манфаатлар тўқнашуви шароитида Ўзбекистоннинг ҳолис, адолатли, ҳар томонлама истиқболли ёндашувлари унинг халқаро обрўсини оширмоқда. Бу беэвосита Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кенг камровли ташқи сиёсати ёрқин натижасидир.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

“ФАОЛ ТАДБИРКОР” КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪССИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш ва инновациялар жорий қилишда ўзининг муносиб хиссасини қўшаётган бизнес вакилларини рағбатлантириш, шунингдек, **2021 йил 20 август кун**и Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан ўтказилган **очиқ мулоқот** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини таъсис этилсин.

2. Белгилансинки: “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини билан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш, инновациялар жорий қилиш, соҳиларни ўз вақтида тўлаш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш, етук мутахассислар тайёрлаш ҳамда бизнесдаги муваффақиятлари ва ижтимоий фаоллиги билан барчага **намуна бўлаётган тадбиркорлар тақдирланади**;

“**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини ҳар йили **20 август — Тадбиркорлар кун**и арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан ўтказилган **очиқ мулоқот** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини таъсис этилсин.

2. Белгилансинки: “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини билан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш, инновациялар жорий қилиш, соҳиларни ўз вақтида тўлаш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш, етук мутахассислар тайёрлаш ҳамда бизнесдаги муваффақиятлари ва ижтимоий фаоллиги билан барчага **намуна бўлаётган тадбиркорлар тақдирланади**;

3. Қуйидагилар: “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ;

“**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонининг таъсиси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазирлар Маҳкамаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда: “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланиши;

“**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини билан тақдирланган шахслар ҳақида ҳар йили “Илнинг илғор тадбиркорлари” китоби чоп этиб борилишини таъминласин.

5. Молия вазирлиги ҳар йили “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини бериш, уни тайёрлаш ҳамда “Илнинг илғор тадбиркорлари” китобини чоп этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун

Савдо-саноат палатасининг асосланган ҳисоб-китобларида мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тегишли маблағларни ажратиш чораларини кўрсин.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини билан тақдирланган шахслар ҳақида ҳар йили “Илнинг илғор тадбиркорлари” китоби чоп этиб борилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари С. У. Умурақов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 19 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2022 йил 19 августдаги ПҚ-356-сон қарорига 1-илова

“Фаол тадбиркор” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низоми “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини (кейинги ўринларда — кўкрак нишонини) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишонини билан мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш, инновациялар жорий қилиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш, етук мутахассислар тайёрлаш ҳамда бизнесдаги муваффақиятлари ва ижтимоий фаоллиги билан барчага **намуна бўлаётган тадбиркорлар тақдирланади**.

Кўкрак нишонини билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. **2-боб. Кўкрак нишонини билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва қўриб чиқиш**

3. Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда, кўкрак нишонини билан тақдирлаш учун номзодлар буйича тақлифларни ҳар йили 10 июлга қадар Савдо-саноат палатасига (кейинги ўринларда — Палата) тақдим этади.

4. Кўкрак нишонини билан тақдирлаш буйича тақлифларга номзод ҳақида қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

номзоднинг маълумотномаси (объективка);
номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (фуқаролик паспорти ёки ID-карта);
номзоднинг сунгги уч йил давомида тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги фаолияти акс эттирилган тавсифнома.

5. Кўкрак нишонини билан тақдирлашга оид тақлифларни қўриб чиқиш учун Палата раиси томонидан 7 кишидан иборат таркибда комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) ташкил этилади.

6. Комиссия таркиби ва Комиссия тўғрисидаги низоми Палата раиси томонидан тасдиқланади.

7. Кўкрак нишонига номзодларни қўриб чиқиш натижалари ҳар йили 25 июлга қадар Комиссия баённомаси билан расмийлаштирилади.

8. Номзодларнинг рўйхати, улар томонидан амалга оширилган ишларнинг қисқача тавсифи Комиссия баённомасининг тегишли иловаси билан тасдиқланади ва унинг асосида тақдимнома тайёрланади.

9. Тақдимнома Палата раиси имзоси билан ҳар йили 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбарига ва геральдика буйича комиссияга қиритилади.

10. **3-боб. Кўкрак нишонини билан тақдирлаш тартиби**

10. Кўкрак нишонини билан тақдирлаш Ўзбекистон

Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

11. Кўкрак нишонини ҳар йили 20 август — Тадбиркорлар кунини арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан ўтказилган **очиқ мулоқот** доирасида белгиланган тартибда тайёрланиши;

“**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланиши;

“**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини билан тақдирланган шахслар ҳақида ҳар йили “Илнинг илғор тадбиркорлари” китоби чоп этиб борилишини таъминласин.

5. Молия вазирлиги ҳар йили “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини бериш, уни тайёрлаш ҳамда “Илнинг илғор тадбиркорлари” китобини чоп этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун

Савдо-саноат палатасининг асосланган ҳисоб-китобларида мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тегишли маблағларни ажратиш чораларини кўрсин.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини билан тақдирланган шахслар ҳақида ҳар йили “Илнинг илғор тадбиркорлари” китоби чоп этиб борилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари С. У. Умурақов зиммасига юклансин.

“Фаол тадбиркор” кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

Олд томони



Орқа томони



“**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, 0,25 микрон қалинлигида оптик билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг ўрта қисми диаметри 25 миллиметр бўлган доира шаклидаги бўртма гардиш билан ўралган. Доиранинг марказида белги-тамгалар тасвирланган бўлиб, бундай тамгалар қадимги уста-хунарманд тадбиркорлар томонидан ясалган ва сотувга чиқарилган ҳамда Ўзбекистон ҳудудида топилган маҳсулотлар намуналарида акс этган.

Улар азалдан юртимиз ҳудудида яшаб келган тадбиркорларнинг рамзлари бўлиб келган.

Марказдаги белги-тамгалар атрофида уларни ушлаб турган тадбиркор қўлларини ифодаловчи тасвирлар тилла рангда акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг устки қисмида айлана бўйлаб “**FAOL TADBIRKOR**” ёзуви битилган. Ҳарфларнинг баландлиги — 2,2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг пастки қисмида айлана бўйлаб 5 қиррали 10 юлдуз акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар бўртмадир. Кўкрак нишонини илмоқ ва халқа ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадгаичга уланган. Қадгаич бўйи — 19 миллиметр, эни — 25 миллиметр.

Қадгаич тенг ўлчамли қўқ ва оч қўқ рангдаги шойи лента билан қопланган бўлиб, унинг эни 21 миллиметрни ташкил этади.

Қадгаичнинг орқа томонида кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич қўришидаги мослама ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

“ФАОЛ ТАДБИРКОР” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий таъминнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, инновацияларни жорий этиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш, етук мутахассисларни тайёрлаш ҳамда ибрат кўрсатаётган, шунингдек, бизнесдаги муваффақиятлари ҳамда ижтимоий фаоллиги билан барчага **намуна бўлаётган кўкрак тадбиркорлар** “**Фаол тадбиркор**” кўкрак нишонини билан тақдирлансин:

Бахбергенов Болатбек Уринбасарович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “**Arz universal servis**” МЧЖ раҳбари

Бекжанова Амина Каримбаевна — Қорақалпоғистон Республикасидаги “**Muinak tour**” МЧЖ раҳбари
Исақбаев Икром Махмудович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “**Golden pride Khudjeyli**” МЧЖ раҳбари

Кучбаров Қодамбой Собирович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “**Ustyurt sodium sulfate**” МЧЖ раҳбари

Панаев Бахтияр Бердимуратович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “**Uy-Jay Qurilis**” МЧЖ раҳбари

Шакиров Жамшид Абдугапарович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “**Kanteks invest**” МЧЖ таъсисчиси

Абдувоситов Муслимбек Улуғбек ўғли — Андижон вилоятидаги “**Oliy standart tex**” МЧЖ раҳбари
Абдуллаев Хамдамбек Абдувоид ўғли — Андижон вилоятидаги “**Asaka tekstil**” МЧЖ раҳбари
Қодиров Ботиржон Мухаммадқодир ўғли — Андижон вилоятидаги “**Sayyora favvorasi**” МЧЖ раҳбари
Тўлқинов Бахтиёржон Акмалжон ўғли — Андижон вилоятидаги “**Nil-granit**” МЧЖ раҳбари
Шахабалиев Азизбек Дилмурод ўғли — Андижон вилоятидаги “**Skorton tekstil**” МЧЖ раҳбари
Шодмоналиева Мухайё Баходирова — Андижон вилоятидаги “**Liderlar maktabi**” НТМ раҳбари

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

“ФАОЛ ТАДБИРКОР” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Абдуллаев Сайдулла Файзуллаевич — Бухоро вилоятидаги “Vobkent tola klaster” МЧЖ раҳбари

Бобожонов Дилшод Махмудович — Бухоро вилоятидаги “Buxoro zarhal teks” МЧЖ раҳбари

Журабаев Оматжон Маматкасимович — Бухоро вилоятидаги “WBM Romitex” МЧЖ раҳбари

Жураева Нозигул Буруновна — Бухоро вилоятидаги “Oqqosh-bo'ron” фермер хўжалиги бошлиғи

Рашидов Насриддин Муродович — Бухоро вилоятидаги “Aholitrans” МЧЖ раҳбари

Хамроев Бешим Курбоневич — Бухоро вилоятидаги “Buxara varnet” МЧЖ раҳбари

Аликулов Фаруҳ Раҳмон ўғли — Жиззах вилоятидаги “Newland” МЧЖ раҳбари

Маматкулова Хосият Юсуповна — Жиззах вилоятидаги “Ostex Jizzakh” МЧЖ раҳбари

Маматкулов Бекзод Акмалович — Жиззах вилоятидаги “BMB trade group” МЧЖ таъсисчиси

Набижанов Фозилхон Амилханович — Жиззах вилоятидаги “Master bilding products” МЧЖ раҳбари

Турсунов Сардоржон Юсуф ўғли — Жиззах вилоятидаги “Basalt and composite group” МЧЖ раҳбари

Ю Бингжун — Жиззах вилоятидаги “Huaxin cement Jizzakh” хорижий корхонаси раҳбари

Алламурадов Ибодулла Холмунинович — Қашқадарё вилоятидаги “Qamashi tekstil” МЧЖ раҳбари

Асланава Рухсодра Олим қизи — Қашқадарё вилоятидаги “Dil Arx” МЧЖ раҳбари

Каримов Нурбек Каримович — Қашқадарё вилоятидаги “Sunny land exprot” МЧЖ раҳбари

Саломова Наргиза Турдимуродовна — Қашқадарё вилоятидаги “Sitara imkon plyus” НТМ раҳбари

Туранов Абдурасул Ашурович — Қашқадарё вилоятидаги “Dormers Co Ltd” МЧЖ раҳбари

Шарахмедов Шокарим Шарасулович — Қашқадарё вилоятидаги “Shahrisabz textile” МЧЖ раҳбари

Джумаев Шерзод Шониязович — Навоий вилоятидаги “Navbahor tekstil” МЧЖ раҳбари

Менги Сефа — Навоий вилоятидаги “Mengi tekstil group” МЧЖ раҳбари

Намазов Шамсиддин Курбанович — Навоий вилоятидаги “Navoiy milling” МЧЖ раҳбари

Саломова Зилола Рустамовна — Навоий вилоятидаги “Favorit lyuks servis” МЧЖ раҳбари

Уразов Умиджон Абдужамидович — Навоий вилоятидаги “Karmana asl don” МЧЖ раҳбари

Холиков Журабек Истамович — Навоий вилоятидаги “Tinchlik investmend group” уюшмаси раҳбари

Абдуллаев Кудрат Косимжанович — Наманган вилоятидаги “Namangan-Istiqloq bog'i” МЧЖ раҳбари

Абдуллаев Анвар Абдумаликович — Наманган вилоятидаги “Barkas-teks” МЧЖ раҳбари

Абдураимов Жохонгир Эркинжон ўғли — Наманган вилоятидаги “Fujoze teks” МЧЖ раҳбари

Акбаров Носир Юнусханович — Наманган вилоятидаги “Namangan to'qimachi” МЧЖ раҳбари

Гомюш Махфуза Маликжоновна — Наманган вилоятидаги “Runamtex” МЧЖ раҳбари

Тожимирзаева Гулбахор Баходир қизи — Наманган вилоятидаги “Tai Chang special steel” МЧЖ бошқарувчиси

Болтаев Одилжон Олимжонович — Самарқанд вилоятидаги “Azia metall prof” МЧЖ раҳбари

Кучкарова Гулбека Алламурадовна — Самарқанд вилоятидаги “Beka Charos” хусусий корхонаси раҳбари

Ниязова Марям Кадиловна — Самарқанд вилоятидаги “Kumush tola” хусусий корхонаси раҳбари

Омонова Нилуфар Жўрабек қизи — Самарқанд вилоятидаги “Grand capital developments” МЧЖ раҳбари

Ураков Хайдар Мухаммадиевич — Самарқанд вилоятидаги “Navobod naslii ranganda” фермер хўжалиги бошлиғи

Хамдамов Шухрат Содиқович — Самарқанд вилоятидаги “Sam Rafoat tekstil” МЧЖ раҳбари

Шарипов Шавкат Уктамович — Самарқанд вилоятидаги “Sharq sanoat” концерни раҳбари

Дарбишев Жавлонбек Абдухаликович — Сирдарё вилоятидаги “Guliston gold yarn” МЧЖ раҳбари

Комилов Шуқруллохон Воҳидович — Сирдарё вилоятидаги “Boyouvt techno cluster” МЧЖ раҳбари

Норматов Мухиддин Эркинович — Сирдарё вилоятидаги “Sirdaryo mega luks” МЧЖ раҳбари

Носир Сайид Захириддин Самидин ўғли — Сирдарё вилоятидаги “Elegant fiber textile” МЧЖ раҳбари

Обидова Ҳилола Илҳомжон қизи — Сирдарё вилоятидаги “Beton sanoat” МЧЖ раҳбари

Сайдазимов Дилшод Рабимович — Сирдарё вилоятидаги “Shoxrux Demirbek” МЧЖ раҳбари

Шафиқ Адеми — Сирдарё вилоятидаги “Yangiyer flour trading” МЧЖ раҳбари

Азизова Мафтуна Раҳматулло қизи — Сурхондарё вилоятидаги “Asilaxon terma gilamlari” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари

Маликов Шавкат Ибодуллоевич — Сурхондарё вилоятидаги “Black plast” хусусий корхонаси раҳбари

Панжиев Хасан Хўшбақович — Сурхондарё вилоятидаги “Alpomishev servis invest” хусусий корхонаси раҳбари

Пардаев Жамшид Музаффарович — Сурхондарё вилоятидаги “Termiz golden city” МЧЖ раҳбари

Худайров Анвар Турдимуратович — Сурхондарё вилоятидаги “Do'stlik cooperation” МЧЖ раҳбари

Шарафутдинова Ойдин Химайтдиновна — Сурхондарё вилоятидаги “Asson-Termiz” хусусий корхонаси раҳбари

Шаякубов Зиёдулла Нуриллоевич — Сурхондарё вилоятидаги “Passion work” МЧЖ раҳбари

Алимов Азиз Тоирджанович — Тошкент вилоятидаги “Yuqorichirchiq energy system” МЧЖ раҳбари

Ахмеджанова Дилбар Шарифжановна — Тошкент вилоятидаги “Agro city” МЧЖ раҳбари

Вахидов Исламбек Нуруллоевич — Тошкент вилоятидаги “Li da metal technology” МЧЖ раҳбари

Раҳманова Умида Адилловна — Тошкент вилоятидаги “Miss lighting” МЧЖ раҳбари

Текенов Канат Тунгатарович — Тошкент вилоятидаги “Enter steel” МЧЖ раҳбари

Тухтаниязов Ботиржон Мухтарович — Тошкент вилоятидаги “To'xtaniyoz-ota” фермер хўжалиги бошлиғи

Эргашева Сайёра Ташпулатовна — Тошкент вилоятидаги “Tashpulat stroy invest” МЧЖ раҳбари

Аъзамов Хумоюн Азизжон ўғли — Фарғона вилоятидаги “Bolajon orzusi” МЧЖ раҳбари

Булатов Фарход Гайратович — Фарғона вилоятидаги “Musavartex” МЧЖ раҳбари

Воҳидов Икромжон Абдумажидович — Фарғона вилоятидаги “BS textile Fargona” МЧЖ раҳбари

Ғаниева Шахноза Маъмировна — Фарғона вилоятидаги “Farg'ona ibratli begim” МЧЖ раҳбари

Илясов Фахриддин Фаёзович — Фарғона вилоятидаги “Ilyasov” МЧЖ раҳбари

Меликузиев Хуршиджон Абдилмаликович — Фарғона вилоятидаги “Lux yan tex” МЧЖ раҳбари

Мирзаева Садоқат Алишеровна — Фарғона вилоятидаги “Art house sadosh” МЧЖ раҳбари

Парпиев Махмуджон Мурадҷанович — Фарғона вилоятидаги “Havvo group” МЧЖ раҳбари

Ақмурадот Эркинбой Юлдашев — Хоразм вилоятидаги “Yangi Bozor textile agro cluster” МЧЖ раҳбари

Аминов Давлатбой Ҳажиевич — Хоразм вилоятидаги “Red star oxus” МЧЖ раҳбари

Зокиров Оббосбек Шавкатбек ўғли — Хоразм вилоятидаги “Xorazm shisha idishlari” МЧЖ раҳбари

Машарипова Манзура Каримовна — Хоразм вилоятидаги “Gurlan eksport” МЧЖ раҳбари

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2022 йил 19 август

Османов Элдор Абдулҳақович — Хоразм вилоятидаги “Gurlan global teks” МЧЖ раҳбари

Юлдошев Усмонбек Умарбек ўғли — Хоразм вилоятидаги “Glass Pro” МЧЖ раҳбари

Абдуллаев Раҳматжон Аҳмадович — Тошкент шаҳридаги “Almergo group” МЧЖ раҳбари

Ақбаров Нодир Ирқинович — Тошкент шаҳридаги “Aluminium Systems” МЧЖ раҳбари

Акрамова Мухлисахон Мансуровна — Тошкент шаҳридаги “O'zimizniki” МЧЖ раҳбари

Аҳадов Сарвар Саиджаҳонович — Тошкент шаҳридаги “Texnopark” МЧЖ раҳбари

Гуламов Комрон Абдузахид ўғли — Тошкент шаҳридаги “Akfa engineering and management” МЧЖ раҳбари

Дениз Махир — Тошкент шаҳридаги “Zelal textile” МЧЖ раҳбари

Насриддинова Шохидат Тауфиковна — Тошкент шаҳридаги “Milk foods trade” МЧЖ раҳбари

Неъматов Миразиз Мирали ўғли — Тошкент шаҳридаги “Tanlanganlar” МЧЖ раҳбари

Рашидов Меҳроҷ Хуршед ўғли — Тошкент шаҳридаги “Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази” ННТ раҳбари

Рузмухамедов Нурулла Суннатуллоевич — Тошкент шаҳридаги “N'medov” компаниялар гуруҳи асосчиси

Умирзаков Шаҳзод Бахтиёр ўғли — Тошкент шаҳридаги “Tassvision” МЧЖ раҳбари

Ходжиматов Бахтиёр Ваҳидович — Тошкент шаҳридаги “Corrida food” оилавий корхонаси раҳбари

Хафизов Луғтулла Джаруллоевич — Тошкент шаҳридаги “Rangli bo'yoq” МЧЖ раҳбари

Хашимов Фураҳ Шавкатович — Тошкент шаҳридаги “New life medical” МЧЖ раҳбари

Шокиров Фарход Мансур ўғли — Тошкент шаҳридаги “Qurilish industriya xajmli uy-joy” МЧЖ раҳбари

Эргашев Акмал Илҳомжон ўғли — Тошкент шаҳридаги “Mega logistics service” МЧЖ раҳбари

Ш. МИРЗИЁЕВ

ШҲТ ФОРУМИ

ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ТИНЧЛИК,
ТАРАҚҚИЁТ ВА БАРҚАРОРЛИККА ЗАМИН БЎЛАДИ

Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги хотин-қизлар форуми бўлиб ўтди. Унда ташкилотга аъзо 8 давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Россия, Тожикистон, Ҳиндистон ва Хитой делегацияси иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўтган 21 йил давомида узоқ эволюцион йўлни босиб ўтгани, ўзини минтақада хавфсизликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришишга қўмаклашувчи самарали тузилма сифатида намоён қилгани, ташкилотнинг халқаро майдондаги роли ва ўрни тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

ШҲТга аъзо мамлакатлар аҳолисининг 49 фоизини хотин-қизлар ташкил этиди. Улар жамият ҳаётининг барча соҳалари, хусусан, иқтисодиёт, sanoat, savdo, туризм, энергетика, спорт, соғлиқни сақлаш, илм-фан ҳамда аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этмоқда. ШҲТга аъзо давлатларда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, давлат бошқарувидаги ролини ошириш, гендер тенгликка эришиш бўйича муҳим концептуал ҳужжатлар қабул қилинди, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг мазкур масалалар бўйича конвенциялари ратификация қилинди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада жадаллашди. Гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур йўналишдаги ишлар ҳеч бир аёл давлат ва жамият эътиборидан четда қолмайди, деган қатъий таъминот асосида барча соҳаларда амалга ошириляпти. Жумладан, қирққа яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ўзбекистон БМТ билан ҳамкорликда “Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқоти” платформасини йўлга қўйди. Натияжада минтақада хотин-қизлар ўртасида ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб, чинакам дўстлик ришталари ўрнатилмоқда.

Тадбирда кейинги йилларда аёллар тенг ҳуқуқлилиги, сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги тўлақонли иштироки мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши ҳамда ШҲТга аъзо давлатларда жамиятнинг демократлаштириш ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартли сифатида қаралаётгани қайд этилди.



Барқарор ривожланишга эришишда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш бўйича ШҲТ давлатларининг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш хусусида фикрлашилди. Хотин-қизлар форуми доирасида тадбиркор аёлларнинг биринчи конференцияси ҳам ўтказилди. Унда ШҲТга аъзо мамлакатларнинг хотин-қизлар ташкилотлари раҳбарлари, ШҲТнинг Тошкентдаги дипломатик корпуси масъуллари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркор хотин-қизлар, соҳа бўйича халқаро экспертлар иштирок этди.

Иқтисодий фаровонликни таъминлашда тадбиркорлик субъектлари муҳим ўрин тутди. Тадбиркор ҳам давлатнинг ҳам фуқаролик жамиятининг барқарорлиги ва ривожланишининг кафолати ва таянчидир. Шу боис, Ўзбекистон тадбиркор аёллар конференциясини ўтказиш ва ШҲТга аъзо давлатлар ишбилармон доира вакиллари билан бирлаштириш ташаббусини илгари сурди.

— Бу борада сўнгги йилларда юртимизда муҳим ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Гулнора Маруфова. — Эътиборлиси, республикамизда банд бўлган аҳолининг 45 фоизи аёллардан иборат. Мамлакатимизда тадбиркор аёллар улуши 39 фоизни ташкил этади. Биргина 2021 йилда 53,8 мингдан ортиқ хотин-қиз касб-хунарга ўқитилди. Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун 100,3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Мазкур чора-тадбирлар туфайли мамлакатимизда 34,5 минг хотин-қиз иш билан таъминланди. Ушбу форум ана шундай илғор тажрибаларни омаллаштириш, ШҲТга аъзо давлатларнинг тадбиркор аёллари ўртасида савдо-иқтисодий ва бизнес алоқаларини фаоллаштиришда муҳим кадам бўлди.

Форум сессияларга бўлиниб иш олиб борди. Уларда жамият ривожини унун муҳим қарорлар қа-

бул қилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш, тадбиркорликни фаоллаштиришга қўмаклашиш, яхши қўшничилик, дўстлик, ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни амалга ошириш, барқарорлик, тинчлик, фаровонликни таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига сармоя киришишда аёллар иштирокини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбир якунида биргалликда саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзаро муносабатларни кенгайтиришда хотин-қизлар салоҳиятини сафарбар этиш, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик, ШҲТ маконида инсонпарварлик ғояларини мустаҳкамлашга асос бўлувчи қўшма коммуниче қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида оммавий ахборот воситалари учун мазкур форум якунига бағишланган брифинг ҳам ўтказилди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбириШҲТ ХАВФСИЗЛИК
КЕНГАШЛАРИ
КОТИБЛАРИ УЧРАШУВИ

Тошкентда 18-19 август кунлари Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг 17-учрашуви бўлиб ўтди.

Анжуманда ШҲТга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар, шунингдек, Ташкилот котибияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Махмудов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг учрашув катнашчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг ШҲТ ҳудудида хавфсизликка нисбатан замонвий таҳдид ва хавф-хатарларга биргалликда қарши туришга қаратилган ҳамкорликдаги амалий фаолият юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Терроризм ва экстремизмга, гиёҳванд моддалар ва қурол-ярғоқ ноқонуний айланмасига ҳамда замонвий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган жиноятларга қарши биргалликда кураш олиб бориш юзасидан белгиланган вазифалар доимо диққат марказида экани алоҳида таъкидланди.

Самарқанд шаҳрида жорий йил сентябрь ойида бўлиб ўтадиган ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари саммитига тайёргарлик билан боғлиқ айрим жиҳатлар алоҳида кўриб чиқилди.

Мулоқот якуни бўйича Учрашув протоколи имзоланди ва барча келишувлар акс этган ахборотнома қабул қилинди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ва бир қатор давлатлар делегациялари ўртасида учрашувлар ўтказилди.

Мулоқотлар давомида минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ кенг қўламли масалалар юзасидан фикр алмашилди, муайян соҳалар бўйича ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболга оид қатор жиҳатлар кўриб чиқилди.

Анжуман иштирокчилари ушбу нуфузли тадбир доирасида пойтахтимиздаги “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, истиқлолимизнинг 30 йиллиги муносабати билан барпо этилган мажмуадаги Мустақиллик монументи пойига гулчамбарлар қўйди.

Юқори мартабали меҳмонларга мажмуа ҳақида батафсил сўзлаб берилди.

ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котиблари “Янги Ўзбекистон” боғида амалга оширилган ишларни юқори баҳолашди.

Хорижий делегациялар вакиллари пойтахтимиздаги Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган мазкур ийрик иншоот тарихи тўғрисида мухтасар маълумот берилди. Шундан сўнг “Матонат мадҳияси” мажмуасига гулчамбарлар қўйилди.

Меҳмонлар Ғалаба боғи ва “Шон-шараф” музейи бўйлаб саёҳатдан улкан таассурот олганликларини эътироф этди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎА мухбири



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИГА

МУСТАҚИЛЛИК ТҮЙҒУСИ
у Янги Ўзбекистон тараққиётининг асоси



Оқил САЛИМОВ, академик

Бошланғичи 1-бетда

Мустақиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Халқимизнинг тарихий шаъни, қадру қиммати, жаҳон ҳамжамияти ва инсоният тараққиётига дахлдор обрў-эътибори бевосита мустақиллик билан боғлиқ. Давлат мустақиллиги ва миллий мустақиллик тушунчалари уйғунлашиб, умум-миллий қадриятга, ҳар бир фуқаро шаъни ва ориятига айланди.

Миллий истиқлол, мустақиллик хусусида гап борар экан, энг аввало, "Мустақиллик нима?", деган саволга жавоб излашимиз лозим. Албатта, бу саволга дафъатан жавоб бериш қийин. Чунки у серқирра, гоёқ кўп маъноли тушунча. Унга ҳар ким турлича ёндашади ва жавоблар ҳам, таърифлар ҳам ранг-баранг бўлади. Бироқ мустақиллик тушунчаси атрофида унинг туб моҳиятидан келиб чиқиб ҳаёқ юритишимиз лозим. Мустақиллик деганда халқимизга давлат мустақиллиги, чегаралар дахлсизлиги, давлат рамзлари ва бошқалар келади. Бу табиий ҳол. Мустақил давлат ўз атри-

қатор салмоқли ҳужжатлар қабул қилингани бунинг ёрқин далилидир.

Янги Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсати, унинг ўзига хос реаллиги, прагматик ва қатъиятли сиёсий позицияси дунё меҳварига ўзининг бутунлай янги имкониятларини намойён этди.

Истиқлол ҳақида гап борар экан, давлат мустақиллиги билан бирга, унга ёндош, уни тўлдирадиган миллий мустақиллик тушунчаси ҳам бор. Бу бевосита мустақил давлат фуқароси ва миллат шаъни, қадру қиммати билан боғлиқ улғу қадрият. Ана шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, янгилаётган Ўзбекистон, тубдан шаклланаётган миллий тафаккур, миллий уйғонишнинг ўзига хос ҳодисаси юз бераётган бир шароитда мустақиллик тушунчасига бошқачароқ ёндашиш зарур бўлиб қолмоқда.

Аслини олганда, мустақиллик тенглик сари кўйилган биринчи қадам. Чунки тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади. Мутегилик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Натижада биз сўнгги бир ярим аср мобайнида бошимиздан ўтказган мустамлакачилик дунёга келади. Тенглик сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатларидан тортиб, давлатлараро муносабатларга ҳамма нарсани меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки мантқиқсиз таъзим-тавозига чек қўяди.

Истиқлол — ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини эъзозлаш орқали инсон қадру қиммати асраш. Демак, мустақиллик ҳар бир шахс, ҳар бир инсон моҳиятидан келиб чиқадиган, бутун жамият ва инсониятнинг баҳолайдиган умуминсоний қадрият.

Мустақиллик — жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдирини билан боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлаш.

Истиқлол — эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳияти.

Мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз ҳаётини ўзи изга солишга қодир одам зиддиятларни осонлик билан енгади, дунёнинг шиддатли муаммолари бўҳронидан довдираб қолмайди. Ҳар бир инсон руҳияти, феъл-атвори жиҳатидан қараганда ана шу оддий ҳаётий ҳақиқатни кенг маънода давлат мустақиллигига ҳам қиёслаш мумкин.

ИСТИҚЛОЛ ҲАҚИДА ГАП БОРАР ЭКАН, ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ БИЛАН БИРГА, УНГА ЁНДОШ, УНИ ТЎЛДИРАДИГАН МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ТУШУНЧАСИ ҲАМ БОР. БУ БЕВОСИТА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ФУҚАРОСИ ВА МИЛЛАТ ШАЪНИ, ҚАДРУ ҚИММАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ УЛУҒ ҚАДРИЯТ. АНА ШУНДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, АЙТИШ МУМКИНКИ, ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН, ТУБДАН ШАКЛЛАНАЁТГАН МИЛЛИЙ ТАФАККУР, МИЛЛИЙ УЙҒОНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲОДИСАСИ ЮЗ БЕРАЁТГАН БИР ШАРОИТДА МУСТАҚИЛЛИК ТУШУНЧАСИГА БОШҚАЧАРОҚ ЁНДАШИШ ЗАРУР БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.

бутларига, рамзларига эга бўлмоғи лозим. Усиз давлат мустақиллигини ҳис қилиб бўлмайди. Бу давлат мустақиллиги тушунчасидан келиб чиқадиган эҳтиёжлар.

Давлат ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мустақил ички ва ташқи сиёсатини юритади. Масалан, шу ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонига давлат ташифи билан борди.

Маънавий-руҳий, эътиқодий, тарихий ва қадриятий жиҳатдан ўзаро яқин бўлган Ўзбекистон ва Саудия Арабистони ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Кейинги олти йил мобайнида икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини тушуниш, умумжаҳоний масалаларни ҳал этиш, хусусан, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарор тараққиётини таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари халқаро ҳам-жамиятда чуқур эътироф этилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига тарихий ташифи гоёқ самарадорлиги билан алоҳида ажралиб турди. Олий даражадаги учрашувларнинг ўзаро ишонч ва катта ҳурмат асосида ўтгани, узоқ муддатли ҳамкорликка оид

Мустақиллик мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган таъзиқлар, камситишлар ва зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида ўз раванқининг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш билан бирга ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний манфаатларга мос келадиган андозаси асосида яшаш демакдир. Агар у ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, мамлакатлараро, давлатлараро ва минтақалараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни қарор топтирмаса, ўз қобилида қолиб кетиши, миллий маҳдудлик доирасидан чиқолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг гоёқда залварли тажрибасидан ўтган тамойиллар ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверади. Чунки мустақиллик давлат ва жамият ҳаётида ҳам, ҳар бир фуқаро онги ва шурида ҳам доимий равишда ривожланиб, ўз-ўзини бойитиб, такомиллашиб, бутунлай янги дунёқарашдаги инсон ва онгли турмуш тарзини юзага келтираётган тарихий воқеликдир.

Мустақиллик — табиатан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топтириш мезони. Айни пайтда у ҳаракатларнинг, интилишлар ва қобилиятларнинг кучайишини, доимий камолотни тақозо этадиган маънавий-руҳий, маърифий-ахлоқий ҳодиса. Бу, айниқса, собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан, мустамлакачилик азобини кўрган мустақил мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Нега?

Биз Янги Ўзбекистон шароитида бунга тобора чуқур ҳис этмоқдамиз. Мустақиллик моҳиятини, истиқлол тушунчаси мазмунини англаш инсоннинг инсонлик моҳиятини тушунишга олиб келмоқда. Истиқлолнинг том маънодаги инсоний моҳияти тобора чуқурлашмоқда. Янги тафаккур, янгилаётган онг бевосита мустақиллик мазмунини англаш орқали улкан ижтимоий ҳодисага, цивилизациявий жараёнга, янги Ренессанс ҳодисасининг илк жараёнларига боғланиб бормоқда. Ана шундай маънавий, маърифий ва руҳий тозаариш пайтида мустамлакачилик, қуллик ва инсоннинг инсоний қадриятларини поймол этган яқин ўтмишимиздаги тоталитар ҳолатга баҳо беришга тўғри келади.

Тоталитар тузум даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб алоҳида-алоҳида шахсларнинг кундалик турмушига ва истиқболига дахлдор ҳар қандай катта-кичик масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олгани учун меҳнатқаш халқ моддий ва фикрий боқимандалик кайфиятига дучор бўлган эди. У фақат ишлаш ҳуқуқига эга эди, ҳолос. Меҳнат деб аталган ҳисос машинанинг мурватига айлиниб қолганди. Эртдан кечгача меҳнат қилсан, меҳнатингга яраша оқдан ўлмасликка етадиган ҳақингни олсан, тамом-вассалом. Бу собиқ иттифоқда қонун кучига эга бўлган давлат сиёсати эди. Одамзод шунчаки ишлар, шунчаки умр кечирарди, ҳолос. Тириклик деган буюк неъматнинг, ҳаёт деган олий тушунчанинг мағзини қақишга ўзида рағбат ҳам, эҳтиёж ҳам сезмас эди. Бинобарин, ақл билан иш тутиш, воқеликни идрок қилиш, бунёд этиш, яратиш, ижодкорлик туйғулари бутунлай сўндирилган эди. Шунинг учун мамлакат тараққиёти сулғишиб, одамлар турмуш даражаси пасайиб борарди.

Умуман олганда, ҳар қандай фаоллик тамойиллари ҳаракатлар эркинлигига замин яратиши, унга суяниши керак. Акс ҳолда, боқимандалик иллатлари сурункали касалликка айланади. Демак, ҳар қандай хатти-ҳаракат, ҳар қандай интилиш ўз-ўзидан бунёдкорлик, яратувчилик руҳи билан йўғрилган бўлиши даркор. Ана шунда эркинлик самарасиз, фаолиятсиз ҳодисага айланмайди.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тушунчаси, Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири Салим Дониёров саволларига берган жавобда таъкидлаганидек, реал воқеликка айланган, дунёда Янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайди. Бир сўз билан айтганда, олти йил ичида Янги Ўзбекистон шаклланди. Бунга, албатта, шаҳар ва кишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарганида, ишлаб чиқариш соҳаси тубдан ислох қилинаётганида, ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг энг замонавий технологиялари жорий қилинаётганида яққол кўрамыз.

Бироқ Янги Ўзбекистоннинг моҳияти фақат шундангина иборат эмас. Унинг туб мазмуни, ижтимоий қадрияти инсон тафаккурининг кескин ўзгаргани билан баҳоланади. Бугунги фуқаро олти йил олдинги фуқаро эмас. У ижтимоий-биологик мавжудот ёки битта паспорт эгаси сифатида ўша одам. Лекин янгилашган тафаккур, замонавийлашган онг, покланаётган маънавий-руҳий олам нуктаи назардан бутунлай бошқа одамга айланади. Серқирра исплохотларнинг бутун моҳияти ва давлатимиз раҳбарининг сиёсий етакчи сифатида миллий уйғониш ва миллий ўзликини англаш борасидаги тарихий хизмати ана шу ерда очилади.

Дарҳақиқат, одамлар ижтимоий ҳодиса сифатида қадриятга айлана бошлаганини ҳис қилаяпти. Узини англаяпти, ўзини ўзи қадриятга

БИР ПАЙТЛАР УЛУҒ ШОИРИМИЗ АБДУЛЛА ОРИПОВ "ҚАЧОН ХАЛҚ БЎЛАСАН, ЭЙ СЕН, ОЛОМОН?!" ДЕБ ФАРЕД ЧЕККАН ЭДИ. БУГУН БУ ИЗТИРОБЛАР РЎБЕБИ "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" ТУШУНЧАСИ ОРҚАЛИ КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА. ЯЎНИ ЯЛПИ ЖАМИЯТ ТАФАККУР ЖИҲАТДАН ЎЗГАРГАН. ОНГЛИ, МАЪРИФАТЛИ ҲАЁТ ТАРЗИ ҚАРОР ТОПМОҚДА. БУ ЭСА ЎЗ-ЎЗИДАН УМУММИЛЛИЙ УЙҒОНИШГА, УМУММИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТГА АСОС БЎЛМОҚДА. ОДАМЛАРДА ИЧКИ РАҒБАТ, ЎЗ СОҲАСИ ДОИРАСИДА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ, ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР ҚАРОР ТОПМОҚДА. МАДДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ЖАРАЁН ТОВАРА ЧУҚУРЛАШИБ, ҲАЁТ МАЗМУНИНИ ЯНАДА ЎЗГАРТИРМОҚДА, ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШТИРМОҚДА.

айлантиряпти. Ҳеч ким ҳеч кимдан кам эмаслигини, тўлақонли бахтли, саодатли яшашга ҳақли эканини тушуна бошлади. Узининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий эҳтиёжларини, талабларини ўртага ташламоқда. Бу ялпи миллий уйғонишнинг ўзингасидир.

Бир пайтлар улғу шоиримиз Абдулла Орипов "Қачон халқ бўласан, эй сен, оломон?!" деб фарёд чеккан эди. Бугун бу изтироблар рўбеси "Янги Ўзбекистон" тушунчаси орқали кўзга ташланмоқда. Яъни ялпи жамият тафаккур жиҳатдан ўзгарган. Онгли, маърифатли Ҳаёт тарзи қарор топмоқда. Бу эса ўз-ўзидан умуммиллий уйғонишга, умуммиллий тараққиётга асос бўлмоқда. Одамларда ички рағбат, ўз соҳаси доирасида ижодий ёндашув, янгича муносабатлар қарор топмоқда. Мадааний-маърифий жараён тобора чуқурлашиб, ҳаёт мазмунини янада ўзгартирмоқда, ижобий натижаларга эриштирмоқда. Демак, одамлар тасаввур орқали жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ўзгариб, такомиллашиб бормоқда.

Президентимизнинг давлат раҳбари ва замонавий сиёсий етакчи сифатидаги феноменал жиҳати айни одамлар тафаккурда кескин ўзгариб, туб янгилашган ҳодисасини бошлаб берганида намойён бўлади. Инсон бу дунёда омонат эмаслигини, у катта бунёдкорлик ва яратувчилик қобилиятига эгаллигини, ўз тақдирини ўзи яратишга қодирлигини англаш ҳиссини уйғотгани билан баҳоланади. Янги Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий қудрати халқ иродаси, олий мақсадлари ва буюк келажак билан узвий боғлиқ экани ҳаёт ҳақиқатига айланади.

Кишилик тарихи шундан далолат берадики, қачонки жамиятда ялпи ўзлигини англаш, яқка тартибда ҳар бир инсон ўзининг инсоний моҳиятини тушуниб, қадриятга айлантиришга эҳтиёж сезган

даврда тараққиётнинг бутунлай янги, замонавий босқичи бошланган. Зотан, тараққиёт — онг ва тафаккур маҳсули. Ҳар қандай тараққиёт юксак ахлоққа, замонавий билимга, кенг тафаккурга суянади. Жаҳолат, залолат, қабоҳат сингари инсоний қадриятларнинг шафқатсиз душманлари барбод этилади, тор-мор қилинади. Натижада, юқорида айтганимиздек, ялпи ривожланишнинг янги даври бошланади. Бу эса ўз-ўзидан янги Ренессанс даврининг дебачаси ёки остонаси ҳисобланади.

Янги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бутун моҳиятини ва маҳобатли мазмунини ўзида ифода этган миллий уйғонишнинг янги даври Президент Шавкат Мирзиёев номи ва унинг серқирра фаолияти билан боғлиқ бўлган буюк ҳодисадир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт даражаси, жамиятнинг маънавий-маърифий имкониятлари асосида шаклланиган янги тафаккурдан келиб чиқиб айташ мумкинки, халқимиз тарихи ва иқболида янги сакраш даври бошланди. Бу ўзига хос Ренессанс ҳодисасининг асоси ҳисобланади.

Мустақиллик байрами нишонланаётган, қалбларимизда гурур ва ифтихор, хуррият шавку шуури жўш ураётган бир паллада истиқболимизни аниқ кўриб турибмиз. Буюк келажакка ишончимиз қомил. Олти йиллик тараққиёт йўли бунга гувоҳ бўлмоқда. Бутунлай янги, замонавий, цивилизациялашган турмуш тарзи қарор топаётгани, тафаккурдаги жиддий эврилишлар, бутунлай янги мазмундаги, янги моҳиятдаги ва, албатта, янги қиёфадаги Янги Ўзбекистон дадил қадамлар, буюк мақсадлар ва қатъий ишонч билан истиқболга интилаётганидан далолат беради. Бу, албатта, Янги Ўзбекистон цивилизациявий ҳодиса сифатида тарихга киришига асосдир.

БУНЁДКОРЛИК

ЭЗГУ НИЯТЛАР ИЖОБАТИ



Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги байрами шукуҳи кенг кўламли янгилашларда, халқимиз кайфиятида намойён бўлмоқда. Жумладан, Навоий вилоятининг барча туман ва шаҳарларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли ҳудудлар янги қиёфа касб этаётир. Эътиборли томони, барча исплохотлар инсон қадри, халқни рози қилиш тамойили асосида олиб борилмоқда. Бунга биргина Кармана тумани мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Кармана туманида 133 минг нафардан ортқ аҳоли истиқомат қилади. Сўнгги йилларда карманаликларнинг уй-жой масаласидаги муаммолари ижобий ечим топмоқда. Хусусан, 2017–2021 йилларда тумандаги 22 та массивда 1 минг 429 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Биргина янгидан ташкил этилган "Зарафшон" маҳалла фуқаролар йиғини мисолида оладиган бўлсак, ҳудудда 10 та 5 қаватли уй қурилиб, 200 та оилага субсидия асосида берилди.

Ана шундай бахтли оилалардан бири, ўн олти йил ўзи бўлишини кутган Тоғаевлар оиласи барча шароитларга эга замонавий, кенг ва шинам хонадонга кўчиб ўтганидан хурсанд. Дуоларида қизи ва кувининг алоҳида уйи бўлиши, 3 нафар набираси уйнаб-қулиб ўз уйда улғайишини астойдил сўраган Инобат Халилова юртимизда аҳолини турар-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган исплохотлардан жуда мамнун.

— Юртимизда амалга оширилаётган исплохотлар самарасини ўз ҳаётимда кўриб турибман, — дейди у ҳаяжон билан. — Кўёвим ва қизим ўз уйига эга бўлди. Тўғриси, бу шинам хонадонларни кўриб кўзимиз қувнади, дилимиз яйради. Юртимиздаги бу каби хайрли ишлар бардавом бўлсин.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Кармана туманида уй-жойга муҳтож оилалар сони 2,5 мингташи ташкил этади. Бу аҳолининг 1,5 мингтаси тўлов қобилиятига эга бўлиб, ўртача иш ҳақи 2 миллион 700 минг — 3 миллион 300 минг сўмни ташкил этади. Қурилиши режалаштирилаётган уй-жойларнинг таъмирланган ҳолда фойдаланишга топширилиши 1 кв.метр учун нархи ўртача 4 миллион 462 минг сўмга тўғри келади.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" масивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида Кармана туманида 21 гектар майдонда "Янги Ўзбекистон" массиви бунёд этилмоқда.

— Туманимизда барпо этилаётган ушбу массив аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб барпо этиляпти, —

дейди Кармана тумани ҳокими ўринбосари Шохруҳ Болтаев. — Мазкур ҳудудда 54 та 5 қаватли турар-жойлар қурилиши режалаштирилган. Жорий йилда 20 та 5 қаватли уй фойдаланишга топширилиб, 400 та оила янги хонадонга кўчиб ўтди.

Массив ҳудудида бир қатор ишлаб чиқариш, бозор инфратузилмаси ва маъшият хизмат кўрсатиш лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳисобига 200 га яқин янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, массивга яқин ҳудудда "Навоий" эркин иқтисодий зонаси жойлашган бўлиб, ҳозирда турган 250 гектар ер майдонидан умумий фойдаланиш мақсадида 2022–2023 йилларда умумий қиймати 113 миллион доллар бўлган 12 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада ишлаб чиқариш кўлами кенгайиши баробарида 1337 та иш ўрни ҳам яратилади.

Инсон ўз уйига эга бўлиб, хотиржам яшашни истайди. Ана шу истақлар рўёбга чиққандагина ҳаётдан рози бўлиб, улкан орзу-мақсадлар пайда бўлади. Ҳудудда барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массиви ана шу мақсадлар ижобати сари йўл очмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, журналист

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ, МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ ВА ТАШАББУСКОРЛИК

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНЛАРИДИР

**Аъзам АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва
телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича
давлат инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи**

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат бошқаруvinинг ҳамма бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқ. Бинобарин, белгиланган мақсадлар ва юксак самарадорликка, аввало, тартиб-интизом орқали эришилади.

Сўнги беш йилда замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назорат қилиш ва ижроси текшириш шакллари такомиллаштириш, талабчанликни кучайтириш борасида амалга оширилган муайян ишлар ва давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар мураккаб шароитларда давлат қурлишининг серқирра вазифаларини амалга ошириш, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш ва республикани жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Бу борада, албатта, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони муҳим дебона ҳақиқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки мазкур фармон билан қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишининг таъсирчан тизими яратилди. Белгиланган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча даражадаги ҳокимларнинг шахсий жавоб-

гарлиги кучайтирилди. Давлат органига келиб тушаётган ҳар бир ҳужжатнинг ижросини таъминлаш қатъий тартиб асосида амалга оширилиши белгиланди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини самарали ташкил этиш борасида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, “Ўзкомназорат” давлат инспекциясида қуйидаги амалий чоралар белгилаб олинди:

— қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари бўйича ижро назорати ва ҳисобдорликни ташкил этиш бўйича тизим такомиллаштирилди;

— қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси бўйича электрон маълумотлар базаси шакллантирилди;

— “Ijro.gov.uz” тизимига бириктирилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги, асослилиги ҳамда ўз вақтида бириктирилганлиги бўйича кулик мониторинг ўрнатилди;

— ижро интизومي ҳолатини ҳар ҳафтанинг жума кунлари раҳбар ўринбосари ҳузурида, ҳар душанба кунлари биринчи раҳбар ҳузурида муҳокама қилиб бориш, ҳар чоракда коллегия орган йиғилишларида танқидий қўриб чиқиш йўлга қўйилди;

— назорат бўлими масъул ходимларнинг амалий кўникмаларини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аппаратида стажировкаси ташкил этилди.

Жорий этилган янги тизимга мувофиқ, эндиликда ижроси назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш тўлиқ электрон платформа “Ijro.gov.uz” тизими орқали амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ҳужжат ижроси бўйича ўрнатилган назорат ҳар бир топшириқнинг белгиланган вақтда бажарилиши таъминланиб, ижро сифати янада яхшиланди.

“Ўзкомназорат” давлат инспекцияси таркибий бўлима раҳбарларига топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишини шахсан ташкил этиш, “ишни жамоа бажаради, масъулият эса шахсий” деган принциплар қандам амал қилган ҳолда, асосий эътиборни ижро интизომини мустаҳкамлашга, “Ijro.gov.uz” тизимидаги топшириқларни ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда ва сифатли бажарган ҳолда, уларнинг мантиқий яқунига етказишга қаратишлари қатъий этиб белгиланди.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларини “Ijro.gov.uz” тизимида “Ўзкомназорат” давлат инспекциясига жами 35 та ҳужжат бўйича 78 та топшириқ белгиланган, шундан 49 та топшириқ ижроси ўз муддатида таъминланди. 2022 йил якунига қадар муддати келадиган 29 та топшириқ ижросини бажариш қатъий назорати ташкил этилди.

Асосий фаолият йўналишидан келиб чиқиб, “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, давлат ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ муаммолари масалаларни ҳал этишда кўмаклашиш келинмоқда.

Жумладан, “Узархив” агентлиги билан ҳамкорликда “Давлат архивларида рақамлашти-

рилаётган ҳужжатларнинг ягона сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш” ахборот тизими ёрдамида ҳар бир давлат ташкилотининг архив тизимини республика архив ахборот тизимига улаш имконияти яратилди.

Маданият вазирлиги билан биргаликда маданият марказларини мувофиқлаштириш бўйича электрон портал ишга туширилиб, аҳолига маданият марказларининг жойлашуви, репертуари, аҳамияти, меҳнат жамоаси ва бошқа маълумотлардан бир жойда фойдаланиш хизмати жорий этилди.

“30 for 30” лойиҳаси доирасида 300 дан ортиқ талабдорлар орасидан танлов йўли билан 30 нафар ёшлар сараланиб, “Full Stack” дастурлаш бўйича бепул ўқитилди.

Қурилиш тугалланган телекоммуникация объектлари ҳисобини юритувчи “qabul.gis.uz” ахборот тизимини жорий қилиш орқали алоқа объектларини фойдаланишга қабул қилишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ортиқча аралашувга чек қўйилди. Натижада тизим яратилгунга қадар бир йилда 2000 га яқин алоқа объектлари фойдаланишга қабул қилинган бўлса, 2021 йилда 6410 та, 2022 йилнинг ўтган даврида эса 7922 та объект фойдаланишга қабул қилинишига эришилди.

Давлат инспекциясида иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш учун “murojaat.gis.uz” ахборот тизими жорий этилди. Ушбу тизимга йил бошидан буён 5 474 та мурожаат келиб тушган. Шундан 46 таси юридик, 5 428 таси жисмоний шахсларга тааллуқли. Эътиборлиси шундаки, қўриб чиқилган мурожаатларнинг 81,4 фоизи ижобий ҳал этилган.

Жорий йилда вазирлик ва идораларнинг ахборот ва киберхавфсизлик талабларига риоя этиш ҳолати юзасидан ўтказилган

93 та ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда фаолиятда дуч келинаётган муаммоларни ҳал этишда кўмаклашилди.

Давлат ташкилотларининг 400 дан ортиқ расмий веб-сайтлари ва ахборот тизимларининг ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги қўриб чиқилиб, аниқланган 42 та камчилик ва заифликлар бартараф этилди.

Мамлакатимизда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар доирасида соҳада лойиҳаларни амалга оширишда фойдаланиш учун 14 турдаги рақамли давлат маълумотлари базаси шакллантирилиб, давлат органлари томонидан бўлиб маълумотларнинг ягона базага киритиб берилиши, доимий янгиланиши ҳамда уларнинг сифати устидан тизимли назорат ўрнатилди.

Бу, ўз навбатида, юртимизда сунъий интеллект технологиялари соҳасида тадқиқот олиб бораётган, дастурий маҳсулотлар ва ахборот тизимларини ишлаб чиқаётган дастурчи ёшларимиз, тадбиркорлик субъектларини онлайн шаклда очик маълумотлар билан таъминлайди.

Албатта, мамлакатимизда ижро интизომини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлардан кўзланган пировард мақсад, юқорида таъкидлаганимиздек, “Ижро интизومي — ислохотлар гарови” тамойили асосида жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий муносабатларни тубдан яхшилаш, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқимизни рози қилишдир.

Президентимизнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”, деган кўрсатмаларига амал қилишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Энди ҳар биримиз, энг аввало, ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришимиз зарур”.

Зеро, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ва кўзланган мақсадларга эришишда бевосита ҳар бир идора ва ташкилотда мустаҳкам ижро интизომини йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этади.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари билан ишлашда вазифалар ижросини шахсий масъулият, мустаҳкам интизом, ташаббускорлик асосида ташкил этиш самарадорликка эришишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилади.

ИФТИХОР

ШУКУҲЛИ ҒАЛАБАЛАР ХАЛҚИМИЗ РУҲИНИ КЎТАРИБ, ВАТАНИМИЗ НУФУЗИНИ ЮКСАЛТИРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Қувонарлиси, дунёнинг 56 мамлакатини вакиллари иштирокидаги нуфузли спорт мусобақасида мамлакатимиз байроғи неча бор юксакларга кўтарилди, неча бор давлатимиз мадҳияси жаранг сочди.

Жорий йил 18 август куни мазкур спорт ўйинларининг расмий ёпилиш маросимида спортчиларимиз Янги Ўзбекистон чемпионолари сифатида саф тортиди. 51 та олтин, 42 та кумуш, 65 та бронза, жами 158 медални қўлга киритган вакилларимиз умумжамоа ҳисобида ёқинчи ўринни эгаллади.

Спортимиз тарихида яна бир ёрқин саҳифа

Ўтган 30 йиллик спорт ўйинлари, комплекс спорт мусобақалари тарихида Ўзбекистон ёшларининг 50 дан ошган давлат вакиллари қатнашган шундай нуфузли бирор беллашувда бу қадар кўп медал, олқиш олмагани, кучли давлатлар, жамоалар орасида умумжамоа ҳисобида 2-ўринга кўтарилмагани, V Ислום бирдамлиги ўйинлари натижалари эса ажойиб кўрсаткич бўлгани эътироф этилмоқда. Демак, спортимиз тарихида яна бир ёрқин саҳифа очилди. Бу барчамизга қувонч бағишлайди, қалбимизни ғурурга тўлдирди.

...Аэропорт саҳни чемпионоларни кутиб олишга чиққан одамлар билан гавжум. Улар орасида мутасадди ташкилотлар масъулари, спортчиларнинг яқинлари, мухлислар ҳамда ОАВ вакиллари бор. Барчанинг дилида ғурур, тилида шукрона ва олқиш.

Муваффақиятга эришиш йўли узок ва машаққатли. Айниқса, спорт билан шуғулланишни бошлаган ёшлар нафақат жисмоний чинқиш, балки руҳий қувват ҳам зарурлигини таъкидлайди. Бу борада мамлакатимизда қўлай шароит ва имкониятлар яратилган. Сўнги йилларда жисмоний тарбия ва спортга аҳоли саломатлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида қарала бошланди. Болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини юксалтириш, юртимизда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда спорт объектлари тармоқини кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш кўлами оширилди. Шунингдек, Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ҳамда турнирларда муваффақиятли иштирокини



Муваффақ Абдуллаев олган сурат.

таъминлаш учун ҳаракат кучайтирилди. Соҳага доир қатор фармон ва қарорлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари “Бугунги кунда спорт ва соғломлаштириш жараёнларининг натижадорлиги Янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифалари билан узвий боғлиқ эканини англаган ҳолда масъулият билан ҳаракат қилишимиз лозим”, дея барчани руҳлантирди, ҳаракатга ундади. Бугун бу ташаббусларнинг амалдаги самараси бўй кўрсатди.

Чемпионолар ҳамда Ўзбекистон делегациясини бағрига олиб учган ҳаво лайнери она Ватанимиз тупроғига қўнди.

Тантанали кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шерзод Асадов давлатимиз раҳбарининг голиб спортчиларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Тадбирдан сўнг барча махсус автобусларда Миллий олимпия қўмитасига йўл олди. Пойтахт кўчалари қўлларига байроғу гуллар тутган спорт мухлислари билан гавжум. Улар миллат чемпионоларини олқишларга қўнди. Ҳаяжонлар, қувончлар самийи.

“Янги Ўзбекистонни янада улкан ғалабалар, эътирофлар кутмоқда”

Тадбирнинг асосий қисми бошланди. Унда сўз олганлар мамлакатимиз мустақил-

лигининг 31 йиллиги арафасида қўлга киритилган бундай ғалаба халқимизга бебаҳо совға бўлишини таъкидлаб, голиб ва иштирокчиларни, уларнинг ота-оналарини, мамлакатимиз аҳолисини табриклайди. Куй-қўшқилар янгради, табриклар ўқилди.

Президентимиз 18 август куни “Конья шаҳрида (Туркия) бўлиб ўтган V Ислום бирдамлиги ўйинларида голиб ва совриндор бўлган спортчилар ҳамда уларнинг тренерларини бир марталик пул мукофотлари билан рағбатлантириш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қарорга кўра, V Ислום бирдамлиги ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган ҳиссаси учун голиб ва совриндор бўлган спортчилар ҳамда уларни тайёрлаган тренерларни, ёшларни профессионал спортга кенг жалб қилишни давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида пул мукофоти билан рағбатлантириш белгиланди.

— Сўнги кунлар ҳаяжон ва қувончга бой бўлди, — дейди энгил атлетика бўйича олтин медал соҳиб Шарифа Давронова. — V Ислום бирдамлиги ўйинларининг энгил атлетика бўйича аёллар ўртасидаги уч хатлаб сакраш дастурида 14.30 метр натижа билан кумуш медалга сазовор бўлганим ҳақида эълон қилинди. Табиийки, мен мусобақаларга астойдил тайёрланган, шунга яраша “олтин” кутганим. Кейинчилик ҳақларим ҳайъатининг қайта кўриб чиқиши натижасида 1-ўринда кўрсатилган туркиялик спортчи Турба Данишмас энг яхши натижасини амал-

га оширганда таққиланган чизикни босгани аниқланди ва унинг ушбу уриниши бекор қилинди. Шу тариқа мен уч хатлаб сакрашда чемпионга айландим. Юзим ёруғ бўлганидан, Ватаним мустақиллигининг қутлуг тўйига муносиб совға ҳозирлай олганимдан бахтиёрман. Биз учун шунча шароитлар яратиб берилгани, ўз навбатида, пул мукофоти билан тақдирланганимиз барчамизни қувонтирмоқда. Юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

V Ислום бирдамлиги ўйинларида оғир атлетика бўйича баҳслар якунида ҳамюртимиз Акбар Жўраев мутлақ голибликни қўлга киритди. Қувонарлиси, +109 килограмм вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Олимпиада ва жаҳон чемпиони Акбар Жўраев ўзи учун янги мусобақада ҳам тенгсиз бўлди. Даст кўтаришда 200 килограммни бўйсундирган спортчимиз силтаб кўтаришда 246 килограмм натижани қайд этди. Жўраев иккикураш бўйича мутлақ чемпиоликни қўлга киритиш билан бирга, 3 олтин медални ҳам ўзиники қилиб олди.

— Биз, спортчилар қўлга киритаётган ҳар бир ютуқ замирида, шубҳасиз, мамлакатимизда яратиб берилаётган шароит ва имкониятларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки истеъод ва қобилият эътибор туфайли юзага чиқади, ҳаракатга ундайди. Бу эса ғалабаларга йўл дегани. Ўтган йили айни шу кунларда Олимпия ўйинларидаги иштирокимиз билан барчанинг кўнглини хушнуд этганди. Шукрки, бу йил ҳам ана шу бахтдан бенисиб қолмадик. V Ислום бирдамлиги ўйинлари Ўзбекистон спортчиларига ғалаба учун катта имконият бўлди. Барча спортчилар давлатимиз эътиборини, халқимиз дуоси ва қўллаб-қувватлашини чин дилдан ҳис қилиб майдонга тушди. Бугун барчамиз юзимиз ёруғ бўлганидан хурсандим. Янги Ўзбекистонни ҳали олдинда қўллаб ғалабалар, эътирофлар кутиб турибди. Мен бунга ишонаман.

Тадбир мураббийлар ва ота-оналарнинг дил сўзлари, концерт дастури билан давом этди.

Туркия спорт майдонларида Янги Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятини намойиш этган шижоатли спортчиларимизни кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувохитов иштирок этди.

**Баҳорат ЮНУСОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

ЎЗБЕК РЕКОРДИНИ ЎЗБЕК ЯНГИЛАР

Хушxabар хуш ёқар ҳар бир инсонга,
Мақтансанг ярашур бутун жаҳонга.
Ислום бирдамлиги ўйинларида,
Олам хавас қилди Ўзбекистонга.
Эллик олти давлат тортганида саф,
Иккинчи бўлмоқ ҳам шарафдир, шараф.

Бир юз эллик саккиз медал дегани,
Рақибга: “огоҳ бўл” сал-пал дегани.
Эллик битта олтин арзийди, ахир,
Бу ўзбек халқига кўксин кержани.
Нечун мадҳ этмайин қувончага тўлиб,
Турса ёшларимиз толеи кулиб.

Ўзбек ўғлонларин тик эрур боши,
Тик бошда порлади омад куёши.
Учтаси учтадан олтин олганда,
Қувончдан эриди кўтарган тоши.
Руслан, Акбар, Сарвар қийнашиб жонин,
Кўкларда тутдилар миллатин шонин.

Турсунои лол қилди бутун дунёни,
Учта олтин олиб ёқди зиёни.
Бир олтин, уч кумуш олди Тахмина,
Элу юрт ёғдирди унга дуони.
Олга Сергеевна олган уч олтин,
Олқишга буркади аёллар зотин.

Пара олимпия йигит-қизлари,
Бўлди элимнинг ёруғ юзлари.
Азизбек азизу мукаррам бўлди,
Ҳам олтин, ҳам кумуш, бронза олди.
Манаман дегани ҳолин танг қилар,
Ўзбек рекордини ўзбек янгилар.

Санасам тонгача этади давом,
Ҳар битта голибни агар номма-ном.
Олтинлар шодаси бўйинларида,
Ислום бирдамлиги ўйинларида.
Янги Ўзбекистон шараф-шонлари,
Юртбошим ишонган чемпионолари.
Сизга минг офарин, сизга тасанно,
Яратган ёр бўлсин сизга доимо!

**Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири**

ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

БАДИЙ ТАФАККУР ЁҒДУСИ

Нигорахон КУЛТАШЕВА, Камолiddин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти (в.б.), санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бутун дунёда интеграция жараёни кучайиб, глобаллашув чуқурлашиб бораётган ҳозирги пайтда турли халқларнинг маданий мероси ва замонавий ютуқларини қамраб олган жаҳон маданиятининг турфа хиллиги аҳамияти борган сари ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Президентининг "Инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир", деган сўзлари илмий, маърифий ва маданий соҳаларнинг ривожига дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мусулмон дунёси буюк мутафаккирларининг бой меросини чуқур таълим ҳақидаги ақл қадриятлари га сadoқат руҳида тарбиялаш, бу борада дунёвий ҳамкорлик ва мулоқоти мустақамлаш айна пайтда муҳим вазифалардан. Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилгани қувонарли ҳодисадир.

Бундай зғу ташаббус ислом динининг асл моҳияти, унинг фалсафасини кенг тарғиб қилиш ва илмий бойитишга салмоқли ҳисса қўшган улғу алломаларимизнинг сўнмас меросини асраб-авайлаш борасида жуда катта имкониятлар яратди. Марказ бироми миллий меъморлик аънаналари асосида бунёд этилган. Президентимиз тақлифига асосан, мажмуанинг кириш қисмида улкан гўмбаз қурилиб, унинг ички томонига Куръони каримнинг биринчи нозил бўлган оятлари, яъни "Алақ" сурасининг кишиларни илм-маърифатга даъват этувчи беш ояти ёзилди. Бу эса марказнинг илму ирфон, зиё маскани эканига ҳам ўзига хос ишорадир. Шунингдек, гўмбазда Имом Бухорий ҳазратларининг "Ал-жомеъ ас-саҳиҳ" китобидаги "Барча зғу амаллар ниятга боғлиқдир", деган илк ҳадис ҳам дарж қилинган.

Бугунги кунда марказда Имом Бухорий, Имом Термизий сингари буюк муҳаддислар, Бурхониддин Марғиноний, Абуллайс Самарқандий каби улғу фақиҳлар ҳамда калом илмининг буюк мутафаккирлари бўлиши Абу Мансур Мотуридид, Абу Муин Насафийнинг бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва ушбу соҳаларда етуқ

мутахассислар тайёрлаш учун барча зарур шароитлар яратилган. Бу борада хориқдаги нуфузли халқаро илмий марказлар, таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

Марказ ҳузурида ташкил этилган музей деворларига таниқли мусаввир Алишер Алиқулов томонидан ишланган маҳобатли суратлар юртимизнинг улкан маънавий ва интеллектуал мероси ҳақида кишида ёрқин тасаввур уйғотади. Экспозиция майдони катта залдан иборат бўлиб, экспонатлар ойнаванд жавонларга жойлаштирилган. Музей марказига "Саҳиҳи Бухорий" китобининг қадимий қўлёзма нусхаси ва буюк муҳаддиснинг айна пайтда дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган ноёб асарлари нусхалари қўйилган. Экспозиция майдони деворининг юқори қисмини Имом Бухорий яшаган давр муҳитини жонлантириш, алломанинг маънавий олами оғиб беришга хизмат қиладиган маҳобатли тасвирлар билан бойитиш гоёси маъқулланади ва бу масъулиятли вазифа тарихий жанрда самарали ижод қилиб келаётган тажрибали рассом Алишер Алиқуловга ишониб топширилади. Шу тариқа яратилган "Имом Бухорийнинг ҳаёт йўли ва мероси" деб номланган кенг қамровли тасвирий санъат намунаси бутун экспозиция майдонини қамраб олиб, ўша давр муҳитини киши кўз олдида худди кино тасмасидек намоён этишга хизмат қилган.

Ҳазрат Имом Бухорий саҳиҳ ҳадисларни тўплаш мақсадида ўз умрининг қирқ икки йилини машаққатли сафарда ўтказган. Мусаввир ишлаган санъат асариде улғу алломанинг ана шу шарофли ҳаёт йўли ўзига хос бадий ечимга асосланган тасвирлар ёрдамида тўлақонли ифодасини

топган. Гарчи тарихий шахс сиймоси, у яшаган муҳит ва воқеалар бадий тўқима тарзида шакллантирилган бўлса-да, рассом Имом Бухорийнинг бетакор сийратини акс эттиришда ишончли тарихий манбалар, ўша давр меъморлиги, этнографияси ва амалий санъатига оид илмий маълумотларга таянган. Бу эса асарнинг чуқур ҳаётий асосда, табиий чиқишига ёрдам берган.

Алишер Алиқулов ушбу асарини яратиш жараёнида Имом Бухорийнинг насаби, туғилиб, вояга етиши, гўзал жисмоний ва ахлоқий фазилатлари, илм-маърифат йўлидаги саъй-ҳаракатлари, заковат ва қобилияти, сеvimли устозлари ва шогирдлари ҳамда умри давомида ёзган китоблари ҳақидаги маълумотларни синчковлик билан ўрганиб чиққанини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Фреска композицияси муҳаддиснинг ўн олти ёшида волидаси ва акаси билан биргалиқда Бухоридан муқаддас Макка шаҳрига сафарга чиқиши саҳнаси билан бошланади. Кейинги

лақ ҳолатда келгуси авлодларга ўзининг бебаҳо илмий меросини ҳаёда эътиборда тасаввур уйғотади. Унинг икки томонида ислом олами нинг бир қанча буюк сиймолари рамзий тарзда намоён бўлган. Рассом мазкур композицияда рамзий ташбеҳли элементларга катта эътибор қаратган. Масалан, Каъба — исломнинг бешинчи устуни, шам — зиё улашиш тимсоли, лавҳ устида турган очик китоб — илм-фан, тафаккур рамзи, обдаста — поклик, қумсоат эса умрининг ўткинчилиги, абадийлик фақат Яратганга хос сифат эканига ишорадир.

Навбатдаги композицияда Имом Бухорий илмидан баҳраманд бўлган инсонлар, у кишининг ўз шогирдлари билан мулоқотлари, ва ниҳоят, кексайган чоғида Ватанга қайтиши ҳақида хикоя қилинади. Ушбу улкан деворий манзара Самарқанд шаҳридаги Шердор мадрасасининг тасвири билан яқунланади.

Рассом ҳар бир саҳнани тарихий меъморий иншоотлар ва Имом Бухорий асарларидан ўрин олган ҳадиси шарифлар матни билан бойитган. Мисол учун, алломанинг ўсмирлик чоғида оид тасвирда у тўплаган дастлабки ҳадислардан бири битилган. Сўнгги композицияларда Имом Бухорий тўплаган ҳадисларнинг инглиз, француз тилларидаги таржималарини кўриш мумкин. Рассом шу орқали ислом динига оид маърифий меросимиз бутун башариятга тегишли эканини таъкидлашга муваффақ бўлган.

Композиция марказида беш метр узунликда ишланган асарни шартли равишда "Буюк имтиҳон" деб номлаш мумкин. Зотан, Имом Бухорийнинг зеҳни ва хотира кучига баҳо бериш мақсадида ўз даврининг таниқли уламолари иштирокида синовдан ўтказилган ҳақидаги

маълумот бир неча тарихий манбаларда қайд этилган. Бу воқеа ўша даврда халифалик маркази Бағдодда содир бўлган.

Уша кезларда бу ерда турли мамлакатлардан келган машур муҳаддислар, фақиҳ ва мутакаллимлар фаолият кўрсатар эди. Исломий ўлкаларда Имом Бухорийнинг илми ҳақидаги хабарлар кенг тарқалиб, довриги кун сайин оғиб борарди. Шу боис, Бағдоддаги қўлаб муҳаддислар улғу аждодимизнинг қувваи хофизаси ва ёдлаш қобилиятини синаб кўриш мақсадида ўзига хос имтиҳондан ўтказарди. Имом Бухорий ҳазратлари атай сондан ва матни алмаштириб қўйилган юзта ҳадис ҳақидаги саволларга тўғри ва мукамал жавоб бериб, ҳайрат ва ҳаяжондан ларзага тушган муҳаддисларнинг олқишига сазовор бўлади.

Ушбу композицияда ҳалигача тилларда достон бўлиб келаётган ана шу тарихий имтиҳон лавҳаси реалистик услубда гўзал тарзда баён этилган. Имом Бухорий ҳашаматли масжид фонидеги ўн нафар атоқли муҳаддис қаршида ўзига ишонган, қўтиляри қиёфада тасвирланган. Имтиҳон олувчиларнинг имо-ишораси ва хатти-ҳаракати динамикаси жараённинг нақадар муҳим ва нозик аҳамиятга эга эканидан яққол далолат беради...

Алишер Алиқулов уламоларнинг либосларига алоҳида аҳамият қаратган. Яъни ҳар бир образнинг эғнидаги либоси ёрдамида унинг феъл-атвори, айна дамдаги руҳий ҳолатини янада ёрқинроқ очиб беришга эришган.

Умуман, истеъдодли рассом Алишер Алиқулов томонидан Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази музей деворларига ишланган суратлар юксак санъат намунаси бўлиш билан бирга, инсоният тамаддуни ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг кўп қиррали илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида муҳим аҳамиятга эга манба сифатида ҳам қадридлир. Шу боис, "Имом Бухорийнинг ҳаёт йўллари ва мероси" деб номланган кенг қамровли тасвирий санъат намунасини санъат ва меъморлик соҳасида давлат мукофотига ҳар томонлама муносиб номзод деб ҳисоблаймиз.

Жумладан, Американинг "EIN Presswire" интернет янгиликлар хизмати Ўзбекистон раҳбарини Саудия Арабистонида Макка провинцияси раҳбарлари, инвестициялар вазири Халид ал-Фолиҳ ва бошқа расмий шахслар кутиб олганини хабар қилган.

"Жидда шаҳридаги "Қаср ал-Салом" саройида Ўзбекистон Президенти ва САП Валиҳад шаҳзодаси Мухаммад бин Салмон Ол Сауд ўртасида музокаралар ўтказилиб, томонлар турли даражадаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар", деб ёзади янгиликлар хизмати.

Бундан ташқари, мазкур учрашув икки мамлакатнинг умумий фикр ва интилишларини намоиш этганига алоҳида ургу берилган. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси ва Саудия Арабистонида амалга оширилаётган "Нигоҳ – 2030" дастурининг мақсад ва вазифалари ҳамда илмий таъкидланган. Икки мамлакат рақамли ва "яшил" иқтисодиёт тамойилларини ҳаётга таъбиқ этишга катта эътибор қаратмоқда.

Ишбилармонларнинг алоқалари учун янада қулай шароитлар яратиш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, унинг тизимини диверсификация қилиш зарурлиги қайд этилган ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. "Тарихий учрашув икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни бойитиш ва ишбилармонлик алоқаларини мустақамлаш учун кучли омил бўлиб хизмат қилади", деб ёзади "EIN Presswire".

Шунингдек, мақолада Ўзбекистон — Саудия Арабистони Ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йилгилиши муваффақиятли ўтказилгани, унинг яқунлари бўйича энергетика, кимё, электротехника, инфратузилмин ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, ахборот технологиялари, транспорт соҳаларида 14 миллиард доллардан ортиқ шартнома ва битимлар имзолангани қайд этилган.

Ўзбекистон Президенти Саудия Арабистонининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотида Мулоқот бўйича шерик мақомини олаётганини олқишлагани хабар қилинган.

Музокаралар якунида энергетика, божхона, фуқаро авиацияси, туризм, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари ва бошқа соҳаларда хужжатлар имзолангани маълум қилинган "EIN Presswire" нашрида эълон қилинган мақолада.

Уз навбатига, Энергетика иқтисодиёти ва молиявий таҳлил институтининг (Детройт, Огайо штати) интернет тармоғидаги веб-саҳифасида қанч этилган мақолада Ўзбекистон энергетика вазирлиги, Саудия Арабистони энергетика вазирлиги ва Саудия компаниялари ўртасида 12 миллиард долларлик битимлар имзолангани ҳақидаги маълумотлар қаламга олинган.

Унда эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги ёқилғи-энергетика мажмуасидаги ҳамкорликни ривожлантириш платформасига айланиши

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР

ИШОНЧЛИ, МУҲИМ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ СИФАТИДА ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига давлат ташрифи хориқий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилгани баробарида халқаро экспертлар ҳамжамияти вакилларида ҳам катта қизиқлар уйғотди.

таъкидланган. "Шартномалардан бири Саудиянинг "ACWA Power" компанияси томонидан Қорақалпоғистонда 1,5 ГВт шамол электр станцияси қуришни назарда тутди. Бошқа бир келишув ҳамда "ACWA Power" ва "Air Products" компаниялари билан биргалиқда илмий-тадқиқот лойиҳаларини ривожлантириш орқали Ўзбекистонда "яшил" водород ишлаб чиқиришга қаратилган", деб ёзади институт сайти.

Бундан ташқари, Саудия Арабистони томонининг яқин 5 йил ичида Ўзбекистон энергетика мажмуасига 10 миллиард доллар сармоя киритиш ниятини акс эттирган хужжат имзолангани ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

Далия АЛПУНТЕПЕ, Ўзбекистон — Нидерландия Дўстлик жамғармаси раиси:



— Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистонига давлат ташрифи ҳақиқатан ҳам тарихий воқеа бўлди. Эришилган иқтисодий келишувлар бир неча миллиард долларни ташкил этди, бу ташрифнинг иқтисодий кун тартиби чуқур ўрганилгани ва пухта ҳозирлик қўрилганидан далолат беради.

Рақамларни ҳисоблаш ва савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий алоқаларни кенгайтириш истиқболларини таҳлил қилиш — иқтисодчилар иши. Мен Ўзбекистон — Саудия ҳамкорлигининг сиёсий, маданий ва гуманитар жиҳатларига эътибор қаратишни истар эдим.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон сўнгги йилларда барча асосий шериклар билан ўзаро алоқаларни изчил мустақамлаб бормоқда. Шунинг учун Ар-Риёд билан "кўприклар ўрнатилгани" аллақачон пишиб этилган табиий жараёндир. Айтиш мумкинки, шу тариқа Тошкент қайсидаги даражада йўқотилган вақт ва имкониятларни ўз ўрнига қўйди.

Шу билан бирга, Тошкент ва Ар-Риёд ўз минтақаларининг нафақат иқтисодий, балки маданий ва маънавий етақчилари бўлиб, Маккада Ҳаж зиёратини, Ўзбекистонда эса кичик Ҳаж зиёратини бажаришни орзу қиладиган миллиардлаб мусулмонларни ўзига жалб қилиб туришни марказлаштириши — Ислам динининг энг буюк илоҳиётчилари ватани ҳисобланади. Уй-лайманки, айнан шу жиҳатларнинг ўзиёқ ушбу мамлакатлар ўртасидаги алоқалар тарихан қанчалик мустақамлигини ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари қанчалик кенг очилганини тасдиқлайди.

Айтиш мумкинки, Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонига ташриф буюргани ҳолда нафақат Ар-Риёд билан муносабатларда, балки ўз давлати тарихида ҳам жуда муҳим саҳифа очди.

Гўзал МАИТДИНОВА, Геоисий тадқиқотлар маркази директори, Россия — Тожикистон (Славян) университетини профессори, тарих фанлари доктори (Тожикистон):

— Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистонига давлат ташрифи дастури Мадина шаҳрида Масжидун Набавийнинг зиёрат қилиш билан бошланади. Жидда шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев ва Саудия Арабистони Валиҳад шаҳзодаси Мухаммад бин Салмон Ол Сауд музокаралари бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти Саудияда "Нигоҳ – 2030" дастури муваффақиятли амалга оширилаётганини юксак баҳолар экан, мамлакатда ҳамият ҳаётининг барча соҳаларини трансформация қилишга қаратилган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг мақсад ва вазифалари ушбу дастурга ҳамоҳанг эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Саудия Арабистонининг Шанхай ҳамкорлик ташкило-



тида мулоқот шериги мақомини олишсини, шунингдек, Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёдининг "Ехро – 2030" Бутунжаҳон курғазмасига номзодини қўллаб-қувватлади.

Олий даражадаги мулоқот чоғида хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, Афғонистонда тинчликни мустақамлаш ва ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун ҳамкорлик қилиш зарурлиги таъкидланди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти Саудия Арабистонининг етақчи компанияларини Ўзбекистон тижорат банклари, йирик саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштиришда иштирок этишга тақлиф қилди. Саммит чоғида давлат раҳбарлари ҳукуматлараро комиссия ва ишбилармонлар Кенгашининг самарали фаолиятини қайд этар экан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, ўзаро савдо ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратдилар. Учрашувда ҳар икки давлат раҳбарлари маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш муҳимлигини таъкидладилар. Ўзбекистон раҳбари ҳозирги пайтда ўн мингдан зиёд ўзбекистонлик талаба араб тилини ўрганаётганини маълум қилди.

Қайд этиш кераки, сўнгги бир неча йилда Саудия капитални иштирокидаги Ўзбекистон компанияларининг сони 9 тадан 38 тага кўпайди. Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон — Саудия Арабистони ишбилармонлар Кенгашининг 4-йилгилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистони Подшоҳлигига давлат

ташрифи икки мамлакат ўртасидаги стратегик истиқболдаги икки ва кўп томонлама муносабатларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга янги суръат бағишлайди, Марказий ва Ғарбий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустақамлашга хизмат қилади. Ташриф яқунлари, имзоланган халқаро-хуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга таъбиқ этилиши эса Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга ҳамда XXI асрда минтақалараро ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш ишига хизмат қилади.

Умар ЎЗСОЙ, Гёте номидаги Франкфурт университетининг Ислам дини ва маданиятини ўрганиш институти директори, профессор:



— Ўзбекистон ҳудудида туғилиб, ижод қилган, дунё тараққийига, илм-фан ривожига ўзининг беқийс ҳиссасини қўшган улғу алломалар, буюк мутафаккирлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлсам-да, бетакор мамлакатинизга илм бор 2017 йил августда сафар қилиб, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё Ренессанси дунё тараққийи тарихида" мавзусидаги халқаро илмий анжуманда ўз маърузам билан иштирок этиш шарафига муяссар бўлган эдим.

Ушбу ташриф мобайнида Ўзбекистонни янгидан кашф этдим, Ислам маданиятининг ҳақиқий забардаст олимлари, буюк муҳаддислар, тафсир, фиҳх ва калом илми олимларини етиштирган бу дийёр мени ўзига бутунлай мафтун қилиб қўйди. Мутахассис, олим сифатида ҳаёт ва илмий меросини ўрганганим — Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом

Мотуридид, Абуллайс Самарқандий, Ҳаким Термизий, Баҳовуддин Нақшбандий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний сингари ислом оламнинг ўнлаб буюк олим, мутафаккир ва мутаасаввифлари қадамжоларини зиёрат қилиш ҳамда халқаро илмий марказларга ташриф буюриш имкониятига эга бўлдим. Улар қолдирган тенгсиз маънавий мерос ва зиёратгоҳларни асраб-авайлаш, обод қилиш ва келажак авлодга етказиш йўлида Ўзбекистон Президенти бошчилигида амалга оширилаётган улкан ижобий ишларнинг бевоисита гувоҳи бўлдим.

Янги ташкил қилинган Ислам цивилизацияси ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислам халқаро университети, Ислам билим юртлари истисносиз мамлакат раҳбарияти ва салоҳиятининг йўлаб буюк олим, мутафаккир ва мутаасаввифлари қадамжоларини зиёрат қилиш ҳамда халқаро илмий марказларга ташриф буюриш имкониятига эга бўлдим. Улар қолдирган тенгсиз маънавий мерос ва зиёратгоҳларни асраб-авайлаш, обод қилиш ва келажак авлодга етказиш йўлида Ўзбекистон Президенти бошчилигида амалга оширилаётган улкан ижобий ишларнинг бевоисита гувоҳи бўлдим.

Мамлакатинизда турли жабҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ва туб ўзгаришларни мунтазам кузатиб бораман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига давлат ташрифи тафсилотларини кузатиб турдим.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар ишончли, муҳим ва узоқ муддатли ҳамкорлик намунаси сифатида халқаро майдонда ҳақиқ равишда эътироф этилмоқда.

Маълумотларга қўра, Ўзбекистон ва Саудия Арабистони халқаро ва минтақавий ташкилотларда бир-бирини фаол қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Саудия Арабистони Марказий Осиёда ядро қуролдан холи худуд турғисидаги резолюция, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустақамлаш бўйича резолюцияси қабул қилинишини қўллаб-қувватлади. 2019 йилда Подшоҳлик БМТнинг "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси ҳаммуаллифи бўлди, 2020 йилда Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига сайланиши учун овоз берди, шунингдек, мамлакатнинг бошқа муҳим ташаббусларининг илгари сурлишига ўз ҳиссасини қўйди.

Хусусан, мени шахсан қувонтирган хабар — 2021 йилда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ва Подшоҳ Файсал номидаги Ислам тадқиқотлари маркази ўртасида ўзаро Англанд ш. м.морандуми имзолангани бўлди. Ишончли қарор, айна пайтда ушбу ҳужжат икки марказ ўртасида тажриба алмашиш, ўзаро алоқалар, қўлёзмаларни ўрганиш бўйича илмий илзанишлар олиб боришга муҳим асос бўлмоқда.

Уйлайманки, мазкур давлат ташрифи чоғида имзоланган сармоявий лойиҳалар, иқтисодий битимлар ва бошқа келишувлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янада мустақамлашишига, ҳамкорлик муносабатларини янада юксак даражага кўтаришга хизмат қилажак.

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСINI ЁД ЭТИШ КУНИ

“ХАММА ЁПАСИГА “УРА” ДЕВ ТУРҒАН, ҚАТАҒОН АВЖИГА ЧИҚҚАН ПАЙТДА ЖАМИЯТДАГИ РЕАЛ ВАЗИЯТНИ ТАНҚИД ҚИЛИШ УЧУН ХАММАДАЯМ ЖУРЪАТ ВА МЕТИН ИРОДА ТОПИЛАВЕРМАСДИ. ИСРОИЛ ОРТИҚОВ ЭСА ЁШЛАР АНЖУМАНИ МИНБАРИДАН ТУРИБ ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛНИ, СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ НАҚАДАР ҚИРҒИНБАРОТ ЭКАНИНИ ДАДИЛ, БАРАЛЛА АЙТА ОЛГАН. ХЎШ, БУНДАЙ ФИДОЙИЛИК КЎРСАТГАН ИСРОИЛ ОРТИҚОВНИНГ ҲАЁТИ ҚАНДАЙ КЕЧГАН ЭДИ?”



ИСРОИЛ ОРТИҚОВНИНГ ЖАСОРАТИ

Коллективлаштириш, кулоқлаштириш, сургун ва қатағон каби бир-бирига узвий боғланиб кетган мудҳиш фожиалар совет даври тарихининг аламли саҳифаларидир. Қатағон ва зулм истибодиди ҳақида сўз кетганда, кўпчилик большевикларнинг қирғинбарот сиёсати даврида ҳамма сукут сақлаб, рўй бераётган дахшатли воқеаларга қарши фикр билдирмаган, деган тасаввурда. Аммо тарихий ҳужжатларга кўра, ҳали қатағон тўлиқни оммавий бошланмасидан олдинроқ ҳам жамиятдаги мудҳиш воқеаларга қарши фикр билдирган инсонлар бўлган. Улардан бири Исроил Ортиқов эди.

Бу шахс тақдирига тўхталишдан олдин ўша давр воқеаларига бир назар солсак. Аспиди 1937-1938 йиллардаги катта террор давридаги тазолаш ишларига анча олдинроқ “фатво” берилган. 1923 йил 12 июнь кuni Москвада РКП(б)нинг миллий республикалар ва вилоятлар масъул ходимлари иштирокида бўлиб ўтган тўртинчи йилгилишида Сталин якуновчи нутқ сўзлаб, бундай дейди: “...Хоразм ва Бухоро ҳақидаги нутқимга ўтаман. Хоразмлик вакиллар бугунги йилгилишида қатнашмаётгани сабабли Хоразм тўғрисида гапириб ўтирмайман. МК ихтиёридаги материаллар билан Хоразм коммунистик партияси ва Хоразм ҳукумати ишини танқид қилиш адолатдан эмас. Бу ерда Хоразм тўғрисида Бройдо нима деган бўлса, буларнинг ҳаммаси ўтмишга тааллуқли. Хо-

Ана шундай қалтис бир вазиятда кулоқ ва қатағон бўлаётган бегуноҳ инсонларни ажал домидан сақлаш мақсадида кўпдан-кўп кишилар ноҳақ тўхмат, турли гумонлар билан азоб чекаётганини Ўзбекистон ёшлар кўмитаси биринчи котиби Исроил Ортиқовгина айта олган. Исроил Ортиқов Хоразм мисолида воқеаларга баҳо бериб ўтади. У 1932 йил 23 августда бўлиб ўтган республика ёшлар анжуманидаги нутқидида беайб қатағон қилинаётгани ҳақида қайғуриб гапирди: “Мана сизларга ахлоқ тузатиш уйида бўлиб ўтган бир факт. Бу ерда 15 ёшда 3 йиллик қамқоқ жазосига (бу, тўғриси, дахшат) ҳукм қилинган бир бола ўтирибди. Бу бола ҳозиргача қамалиб ётиб, ёши 17 га етган. 16 ёшдаги бир бола бўлса, от ўғирлаб кетаётган одамни кўрган,

“ҚАЛТИС БИР ВАЗИЯТДА ҚУЛОҚ ВА ҚАТАҒОН БЎЛАЁТГАН БЕГУНОҲ ИНСОНЛАРНИ АЖАЛ ДОМИДАН САҚЛАШ МАҚСАДИДА КЎПДАН-КЎП КИШИЛАР НОҲАҚ ТЎХМАТ, ТУРЛИ ГУМОНЛАР БИЛАН АЗОБ ЧЕКАЁТГАННИИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР КЎМИТАСИ БИРИНЧИ КОТИВИ ИСРОИЛ ОРТИҚОВГА АЙТА ОЛГАН.

разминг бугунги аҳволига кам алоқаси бор. Партия тўғрисида у партия аъзоларининг 50 фоизи савдогарлар ва бошқалар, деди. Балки, бу ўтмишда бўлган, ҳозир у ерда тазолаш кетяпти. Ҳали Хоразмга бирорта партия билети берилган эмас. Айтишларича, у ерда бир неча минг партия аъзоси бор. Уйлайманки, тазолашдан кейин у ерда юздан ҳам озоқ партия аъзоси қолади. Бухорода ҳам ўтган йили ахвол шундай бўлиб, 16 минг партия аъзоси бор эди. Аммо тазолашдан кейин мингдан зиёд партия аъзоси қолди”. Сталиннинг бу гаплари кейинги кўп йиллар учун дастуруламал вазиёсидан ўтади. Натijaда жойларда тазолаш, коллективлаштиришга қарши бўлган мулкдорларни кулоқ, ёт унсур дея қамаб, сургун қилиш, эркин фироли, эътиқодли инсонларни таъқиб, қатағон этиш авж олди. Масалан, Бoғот туманилик мулла Матёқуб Матнiёзов 1928 йил 30 декабрда “Большевиклар Хоразмини соғин сизгирга айлантриб кўйдилар, аввалгилар солиқ солдилар, ҳар хил заёмлар тақсимладилар, эндиликда эса бойлардан ерларини тортиб олмоқдалар. Мана сизга жонли мисол: заём берганларидида “ютиб олмасилар”, “ўз деҳдон хўжалигини яхшилаб олмасилар”, деб айтишди, лекин ким ютукча эга бўлди? Ҳеч ким. Гуё хўжаликни яхшилаб олмасилар, деб ширкатдан аванс бердилар, энди бўлса, шу ссудани талаб қилмоқдалар, баҳорда деҳдон 100 сўмга сотиб олган хўкизини ҳозир 40 сўмга сотади, чунки бутун ёз бўйи ишлаб топган пулни заём ва солиқ учун олиб қўймоқда, деҳдон ссудани тўлаш учун хўкизини сотишга мажбур бўлмоқда”, дея ҳақиқатни кўпчилик олдиди айтгани учун кулоқ сифатида сургун қилинади.

лекин ўғрини ушлаш кўлидан келмаган, аммо ўғрини кўрганини сўзлагани учун қамалган. Еки бир отни миниб айиланиб юргани учун телба бўлиб қолган ўзбек аёлни қамашган. Шифокор бу хотиннинг телбалиги, уни суд қилишга қонун йўл қўймаслиги ҳамда уни тезлик билан озод қилиш зарурлигини кўрсатиб тўшунтририш хати берса-да, прокурор уни қабул қилмаган. Янги Урганч қамқоқхонаси бошлиғи, партия аъзоси, “Қизил меҳнат” ордени билан мукофотланган Матчонов қонунлар бузилишига йўл қўйган. Бу киши қамқоқча яқин қариндошларини қўриш учун келадиган хотинлар қарийли бўлса, аввал қамқоқхона бошлиғи олдига киришини ёзилмаган қонун даражасига чиқарган... Аёлларга шундан кейингина ўз қариндошларини қўришга ижозат берилган. Еки бир камбағал бечора эса заём учун 10 сўм қарздор бўлган, унинг камбағаллиги инобатга олинмиб, қарзни тўлаш бир ҳафтага кечиктирилган. Шундай бўлса ҳам шу иш учун бу камбағални ақилсизқилибчиликда айблаб суд қилганлар”. Шунингдек, Исроил Ортиқов маданий турмуш сиёсати натижасида меҳнатқашларнинг аҳволи оғирлаша-кетишини, турмуш шароити ортга қараб кетаётганини, айирмачилиги шовинизм авж олиб, ишга қабул қилишда ҳам бунга эътибор қаратилаётганини танқид қилган. У ўз нутқидида ўша даврда авж олган маданий турмуш даражасида яшаёмиз, деган ақиданинг ҳам нотўғрилигини айтди: “Мен бир уй билан танишдим. Мана шундай бир том тағида бўлган қоронғи, зах уйларида бир хонада хотинлар яшайди, иккинчи хонада эркаклар яшайди, булар билан бир қаторда отхона

жойлашган. Ушбу одамлар ёнида от, туя, хўкиз, эшаклар боғланган. Ахлат чуқури ҳам ўша ерда. Ҳамма бинолар лойдан, тупроқдан ишланган бўлиб, ёғочдан ишланган иморатлар бутунлай йўқ”. Кўрганингиздек, ҳамма ёппасига “ура” деб турган, қатағон авжига чиққан пайтда жамиятдаги реал вазиятни танқид қилиш учун ҳаммадаям журъат ва метин ирода топилавермасди. Исроил Ортиқов эса ёшлар анжумани минбаридан туриб ҳақиқий аҳволни, совет тузумининг нақадар қирғинбарот эканини дадил, баралла айта олган. Хўш, бундай фидойилик кўрсатган Исроил Ортиқовнинг ҳаёти қандай кечган эди?

1907 йилда Қўқонда хунарманд оиласида туғилган Исроилнинг отаси 1918 йили Қўқон мухторияти дашноқлар томонидан қонга ботирилганда вафот этади. Онаси эса 1920 йилда ҳаётдан кўз юмди. Шу тариқа тақдир зарбаларига учраган Исроил темир йўл идорасида ишловчи ақаси Аҳмадхон қарамоғида вояга етади. Балоғатга етгач, ақаси билан темир йўлда ишлаш бошлади. Шу ердаги ишчилардан ёзишни, ўқишни, рус тилини ўрганди.

1925-30 йиллар оралиғи Ўзбекистон бўйлаб ёшлар ташкилотининг қад тиклаши ва ўз сафига шижоатли ёшларни жалб этиш даври бўлган. Ана шу жараёнда, яъни 1925 йилда қалбадаги бир олам эзгу хислар билан Исроил Ортиқов ёшлар ташкилотига аъзо бўлиб кирди, унинг тадбирларида иштирок этди. 1928 йилда Исроилнинг ташкилотчилигини эътиборга олиб, Бағдод тумани ёшлари уни ўзларига сарко-тибликка сайлайди. 1929-30 йилларда эса Қўқон ва Олтиариқ тумани ёшлар ташкилотига раҳбарлик қилади. Бу йилларда у давр тўфонлари боис етим қолган ёшларни мактаб ва интернатларга жалб қилиш, уларнинг саводини чиқариш, ташкил этилаётган колхоз ва заводларга ишга жойлаштиришга уринди. Натijaда ёш ташкилотчи И.Ортиқов 1930 йилнинг декабрида Ўзбекистон ёшлар ташкилоти бўлим мудири, 1931 йил февралдаги 5-қурултойда эса республика ёшлар ташкилоти — УЗЛКСМ-нинг биринчи котиби этиб сайланди.

Республика миёсидида бундай катта, масъулияти ишга 24 ёшли йигит муносиб кўрилганига сабаб унинг самимийлиги, ёшларни атрофида ўштира билиши ва олға етаклай олиши, ташкилотчилиги эди. Шу тарзда у бево-сита жойларда бўлиб, вазиятни ўрганиш мақсадида Самарқанд, Фаргона, Наманган, Сурхондарё, Хоразм округларига сафар қилди, ёшлар орасида бўлди, уларни қийнаётган муаммоларга дуч келди. Муаммоларни бартараф этишга интилиб, округ, республика раҳбарларига мурожаат қилди.

У қурилаётган Кўвасой цемент заводи, Чирчиқ электромеханик комбинати, Тошкент тўқимачилик комбинати, Қўқон, Бухоро, Самарқанд пахта йиғирув фабрикалари, Марғилон шойи тўқим комбинатларига ёшларни жалб этиш, уларга зарур шароит яратиш учун ўша жойларда бўлди. Саводли, интилувчан ёшларни эса Москвага, Петербургга ўқушга юборди. Уни ёшлар ва республика, округ раҳбарлари кабинетда утирмайдиган раҳбар деб аташар, у эса бундан қувонарди. Афсуски, шундай шижоатли инсоннинг боши устидаям қатағон қуюни айлана бошлади. 1937 йил 14 октябрда хибсага олинмиб, 1938 йил 5 октябрда “халқ душмани” сифатида отиб ташланди.

Бу пайтда у эндигина 31 ёшга тўлганди...

Умид БЕКМУҲАММАД, тадқиқотчи

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ

ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИНИ ДИЛЛАРГА ДОСТОН АЙЛАЙИН

Хорижда яшаб, мамлакат истиқболига қайғурадиган, тараққиётни ўйлайдиган, юртимиздаги ўзгаришлардан бохабар ва ислохотларга ўз хиссасини қўшишни шараф дея билгувчи ватандошларимиз кўп. Уларнинг ҳикоясини тинглаш орқали ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, урф-одатларимизга, қадриятларимизга меҳр туйғусини кучайтириш — бизнинг вазифамиз, бурчимиз. Полина Хаимова 1961 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Айни пайтда Исроилнинг Рамле шахрида истиқомат қилади.

Ватанимни унутмадим, у сўзларимда, куйларимда яшайди

Ўзбекистоннинг энг гўзал гўшаларидан бири — Шахрисабз шахрида туғилиб ўсдим. Амир Темур туғилган кўнра юрда меннинг ҳам киндик-қоним тўкилган. Ҳар кимнинг киндик қони тўкилган ер унинг она тупроғи. Ана шу юрт, бир сиқим тупроқни ҳар нафасда кўмсаркан одам.

Урта мактабни битиргач, 1978-1980 йилларда Шахрисабздаги тиббиёт техникумида таҳсил олдим. Ҳозирда Исроил давлатидаги шифохонада бош ҳамшира сифатида фаолият олиб бора-ман. Шу билан бирга, санъатнинг, шошмақомнинг сир-асрорларини малакали санъат даргаларидан ўрганганман. Исроилда ўттиз бир йилдан буён оиламиз билан яшаймиз. Ҳамиша ҳаёлим, кўшиқларим, сўзларим, ҳатто кундалик либосларим ҳам Ўзбекистонни эслатади. Мен бир дақиқа ҳам Ўзбекистонни эсимдан чиқаролмайман. Муқаддас маконни бориб зиёрат қилиш аънаъаларимиздан бирига айланган.

Ўзбекистонга борсак, Тошкентдаги “Адиблар хиёбони”да сайр қилишни хўш кўраман. Оила аъзоларимга ҳар кун И.Ортиқов билан боғлиқ янгиликлар, у ерда бўлаётган оламшумул ўзгаришларни айтиб бераман. Ўзбек тили ва адабиёти, маданияти ва санъати, хусусан, ўзбек мумтоз ашулаларига меҳр-муҳаббат, иштиёқ қон-қонимизга сингиб кетган.

Биз ўзбек тилини унутмадик. Урф-одатларимизни ёддан чиқармадик. Хонадонимизни ўзбек миллий чолғу-асбоблари, миллий матолар — атласу адраслар билан безатганмиз. Узим ўзбек тилида шеърлар ёзиб, ижод қиламан. Дам олиш кунлари оиламиз билан йилгилиб, турмуш ўртоғим рубоҳда куй чалади, мен кўшиқлар хиргойи қиламан. Ҳамиша Ўзбекистонда туғилиб ўсганимиз билан фахрданамиз, олим уламо, фозилу фузалар юртиндан келганимизни ҳар жойда бот-бот тақорлаймиз. Биздаги ватанга бўлган муҳаббат фарзандларимизда ҳам бор. Набираларим ҳам юртимиз ҳақида яши биледи.

Онамнинг эътирофи: “Исроилда яшасанг ҳам юрагинг “Ўзбекистон” деб уради”

Юқорида айтганимдек, оиламиз билан санъатга ошномим. Мен ҳам, турмуш ўртоғим ҳам санъат шинавандаси. Ёшлигимда

““ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН “ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ФОНДИ КАТТА ИСЛОҲОТЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ. ФОНД ТОМОНИДАН ЮРТИМИЗДАГИ МУҲИМ САНАЛАРГА АТАБ МУНТАЗАМ ОНЛАЙН МУЛОҚОТЛАР, ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛЯПТИ. УЛАРДА МЕН ҲАМ ФАОЛ ҚАТНАШИШГА, ДУНЁНИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ВАТАНДОШЛАРИМ БИЛАН ДИЙДОР КЎРИШИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМАН.

дан санъатга бўлган қизиқишим туфайли малакали устозлардан таҳсил олганман. “Шошмақом”нинг илк сирларини Шахрисабздаги устозим Элмурод Боймуродов мактабиди олдим. Болалигимдан радиода Таваккал Қодиров, Саодат Қобилова, Малоҳат Дадабоева, Ҳабиба Охунова каби санъат даргаларининг кўшиқларини эшитиб улгайдим. 2018 йил август ойида устозим Изро Малак бошчилигида Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон шахрида ажойиб концерт дастури ташкил этилди. Мазкур тадбирда мен ҳам иштирок этдим. Бу — илк бор катта сахнага чиқишим эди. Унда Ўзбекистон халқ артистлари, машҳур санъаткорлар иштирок этган. Мен Ўзбекистонлик хофизлар билан ёнма-ён туриб кўшиқ куйладим. Ушанда олдимда саксон саккиз ёшли онам ҳам бор эди. Мени сахнада кўрган онам концертдан сўнг:

— Полина, сен Исроилда яшасанг ҳам юрагинг “Ўзбекистон” деб уради. Буни фақат она хис қила олади, холос. Сен каби ватанпарвар қизни вояга етказганим учун ҳаётда армоним йўқ, — деган эди.

Бу менга берилган энг яхши таъриф, катта эътироф бўлди. Шундан сўнг Ўзбекистондаги “Navo” телеканалига кўшиқларимни ёзиб олиш учун тақлиф қилишди. Ўзбекистондаги телеканалда кўшиқларим тақдим этилди. Юртиндан олисда яшайдиган бир инсон учун бундан ортқ бахт бўлмаса керак...

Янги Ўзбекистонда орзулар ушалмоқда

Ёшлигимда санъат мактабларида маком ўрганиб юрган пайтларим мусика чолғу-асбоблари топиш амримаҳол эди. Кимнингдир уйда фортепиано бўлса, ҳамма ўша оилада шунақа мусика асбоби борлигини биларди. Шароитлар ҳам ҳаминқадар бўлган.

Ҳозир Ўзбекистон мутлақо ўзгача. Ҳар гал келсам, кўзим қувонади, кўнглим кутарилади. Нафақат марказий шаҳарларда, балки Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий мусика мактаблари бор. Ёш санъаткорлар

““ЎЗБЕКИСТОНГА БОРСАК, ТОШКЕНТДАГИ “АДИБЛАР ХИЁБОНИ”ДА САЙР ҚИЛИШНИ ХЎШ КЎРАМАН. ОИЛА АЪЗОЛАРИМГА ҲАР КУНИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН БОҒЛИҚ ЯНГИЛИКЛАР, У ЕРДА БЎЛАЁТГАН ОЛАМШУМУЛ ЎЗГАРИШЛАРНИ АЙТИБ БЕРАМАН. ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, МАДАНИЯТИ ВА САЪАТИ, ХУСУСАН, ЎЗБЕК МУМТОЗ АШУЛАЛАРИГА МЕҲР-МУҲАББАТ, ИШТИЁҚ ҚОН-ҚОНИМИЗГА СИНГИБ КЕТГАН.



хотин-қизлар кенгаши”ни ташкил қилишга бағишланган йилгилишида катнашдим. Унда дунёнинг кўплаб мамлакатларида турли соҳаларда фаолият олиб бораётган фаол ватандош хотин-қизлар иштирок этди. Бу мулоқотда мен ҳам ўз тақлифларимни билдириб ўтдим.

Яқинда ушбу Фонд “Сиз Ўзбекистонни биласизми?” халққаро он-лайн викторинасини эълон қилди. Бу танловда ҳам иштирок этдим. Яқини натижаларга кўра, Исроил давлатидан голиб деб топилдим. Танлов шартларига биноан, голиблар Ўзбекистонга уни кун муддатга тақлиф этилиб, Хоразм, Бухоро, Самарқанд каби тарихий шаҳарларимизга саёҳат қилади. Бундан нақадар бахтиёр эканимни сўз билан изоҳлаб беролмайман. Энди менда яна Ўзбекистонимга бориш имкони бор. Биз ватандошлар учун бу каби танловларнинг ўтказилиши, юртимиз билан доимий алоқаларни сақлаб қолиш учун зўр ташаббус деб ҳисоблайман.

Ёшларга айтарларим

Биласизми, мен чинакам аёллик бахти болаларини дунёга келтириб, турти тарбия бериб, уларни зиёли қилишга деб биламан. Онамнинг фахри — боланинг бахтидир. Болаларни китоб ўқишга жалб этиш керак. Қаран, Ўзбекистонда ёш йигит-қизлар, ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам китоб ўқиб “Президент совғаси” — автотомбулга эга бўляпти. Ёшликнинг ҳар бир дақиқасини ганимат қилиб, китоб ўқишга ғайрат қилиш, олий маълумот олиш, бирор касбнинг эгаидан маҳкам тутиш лозим. Инсоннинг бир бурда нонни ўзи топиб еиши — чинакам бахт. Мустақил фикрлашга, қизиқишларини қўллаб-қувватлашга ёш ота-оналар ҳам ҳаракат қилишлари керак. Зеро, давлат шундай катта имкониятлар яратиб бераётган бир даврда ота-оналарнинг қўллаб-қувватлаши болаларни янада руҳлантриради. Ёшларни замон билан ҳамнафас ўстириш тарафдоримиз, шу билан бирга, уларга ўз қадриятларимизни ҳам синдиришимиз лозим.

“Ватандошлар” жамоат фонди ахборот хизмати раҳбари Уфоро ҲАБИБУЛЛАЕВА ёзиб олди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси
Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz
Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864. 81651 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов Мусахўш: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
ЎзА яқини — 02.50 Тоширилди — 04.35